

МУСИҚИЙ ЖАНРЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Бастакорлик санъати” йўналиши
- ❖ Доцент Шукуров Жаҳонгир Джуракулович

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий таълим ,фан ва инноватциялар вазирлигининг 2023 йил 25 августдаги 391-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ЎзДК – “Композиторлик ва ҷолғулаштириш” кафедраси доценти Шукуров Жаҳонгир

Тақризчилар: Париж миллий олий мусиқа ва рақс консерваторияси профессори Dylan Corlay

ЎзДК “Мусиқий таълим” кафедраси доценти Ахмедов Маъруфжон

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	18
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	97
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	108
VI.	ГЛОССАРИЙ.....	117
VII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	119
VIII.	ТАҚРИЗЛАР.....	123

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мусиқий жанрлар ва замонавий тенденциялар” модулининг асосий мақсади - мусиқа санъатининг турли йўналишлари ва жанрларида ривожланиш босқичларини ўзлаштирган ҳолда ушбу санъатнинг дастлабки ва замонавий ҳолатини солиштириш орқали унинг ҳозирги кундаги ўрнини белгилаш орқали фаолият кўрсатаётган композиторлар, дирижёрлар, хонанда ва созандаларнинг тажрибалари мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

“Мусиқий жанрлар ва замонавий тенденциялар” модулининг вазифалари:

- композиторлик санъати, вокал ва чолғу ижрочилиги каби санъат турларининг ўрнини кўрсатиш;
- мусиқа ижодкорлари ва ижрочиларининг замон талабидан келиб чиқиб маҳоратини ошириш;
- мусиқачиларнинг қирралиқ масалалари кўрсатиш;
- композиторлик, вокал ва чолғу ижрочилиги касбida мулоқот жараёнларининг такомиллашуви, янги давр муаммолари бўйича маълумотлар

бериш ва уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этишдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мусиқий жанрлар ва замонавий тенденциялар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- мусиқа санъатида муаллифлик хукуқини таъминлашнинг меъёрий-хукуқий асосларини;
- мусиқа санъатидаги замонавий йўналиш ва услублар ҳамда тенденцияларни **билиши** лозим.

Тингловчи:

- мусиқа санъатидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштирган ҳолда унинг мазмун-моҳиятини талабаларга етказиш;
- мусиқа санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- замонавий тенденцияларга асосланиб яратилган мусиқий асарларни ўзлаштириш, концерт-педагогик репертуарларни шакллантиришда қўллаш;
- композиторлик ижодиётида, барча мусиқий ижрочилик йўналишларида замонавий услублардаги Ўзбекистон ва жаҳон композиторлари, анъанавий мусиқа, фольклор намуналаридан ва ҳалқ ижоди меросидан самарали фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- мусиқа соҳасида машғулотларни юқори савияда ташкил этиш;
- машғулотларни илгор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- гуруҳли ва якка тартиbdаги машғулотлар учун тегишли фанлар бўйича модулларни ишлаб чиқиш ва модул тизими асосида машғулотларни ташкил этиш;
- мусиқа санъати соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мусиқий жанрлар ва замонавий тенденциялар ” курси маъruzа ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг қўйидаги замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъruzа дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек замонавий тенденциялар асосида яратилган мусиқий намуналар ҳақида маълумотлар бериш;

аудио ва видео ёзувларни тинглаш ва намойиш этиш орқали ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мусиқий жанрлар ва замонавий тенденциялар” модули мазмуни ўқув режадаги “Ихтисослик фанларини ўқитиши методикаси”, “Ижро санъати маркетинги стратегиялари”, “Мусиқий ижодиётдаги номоддий маданий мерос намуналари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Композиторлик санъатида жанрларнинг шаклланиши ва замонавий тенденцияларни вужудга келиши.	4	2	2	
2.	Санъат турларида авангардизм оқимининг пайдо бўлиши.	2	2		
3.	Мусиқий авангардизмда додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби мусиқий композиция тузиш методлари.	4		4	
4.	Бастакорлик санъатига мусиқий авангарднинг таъсири. Опера санъатида, замонавий миллий қўшиқчиликда янги услубларнинг шаклланиш босқичлари.	2		2	
5.	Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар. Мақом санъати. Мумтоз мусиқани ўргатиш услублари. Чолғу мусиқасини ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услублар. Машхур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди.	4	2	2	
Жами:16		16	6	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Композиторлик санъатида жанрларнинг шаклланиши ва замонавий тенденцияларни вужудга келиши. (2 соат)

Композиторлик санъатида жанрларнинг шаклланиши ва замонавий тенденцияларни вужудга келиши. Бастакорлик санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Бастакорлик ижодиёти тарғиботида дирижёрлик санъатининг ривожланиш босқичлари. Дунё халқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий тенденциялар асосида яратилган мусиқанинг тутган ўрни. Дирижёрлик санъатининг ўзига хос томонлари. Услублар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Дирижёр – катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида.

2-мавзу: Санъат турларида авангардизм оқимининг пайдо бўлиши. (2 соат)

Санъат турларида авангардизм оқимининг пайдо бўлиши. XX аср мусиқасида шакл ва услублар хилма-хиллиги, жанрлар. Мусиқада “модернизм” тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши. Мусиқа санъатининг анъанавий услугуб ва жанрларини инкор этилиши ва турли композиторлик оқимлари.

3-мавзу: Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар. Мақом санъати. Мумтоз мусиқани ўргатиш услублари. Чолғу мусиқасини ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услублар. Машхур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди. (2 соат)

Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар. Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши. Машхур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди. Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки тўрт мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки

жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

1-амалий машғулот: Композиторлик санъатида жанрларнинг шаклланиши ва замонавий тенденцияларни вужудга келиши. (2 соат)

Бастакорлик борасида қабул қилинган хужжатларни ўрганиш асосида ҳар битта хужжатнинг мазмун-моҳияти, унда қўйилган вазифалар ва ушбу вазифаларни амалга ошириш имкониятлари, шароитлари тўғрисида фикр алмашиш. Хужжатларни талабаларга замонавий ахборот воситалари ёрдамида тушунириш йўлларини биргаликда излаб топиш.

2- амалий машғулот: Музиқий авангардизмда додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби музиқий композиция тузиш методлари. (4 соат)

Музиқий авангардизмда додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби музиқий композиция тузиш методлари уларнинг такомиллашув жараёни таҳлил этиш, Ўзбекистонда қабул қилинган қонунларнинг Конвенция мақсадларига мос келиши ва ундаги зиддиятлар ўрганиш. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Мустақил равишида хорижий адабиётлар ва ИНТЕРНЕТдан қўшимча маълумотлар тўплаш ҳамда мавзу бўйича кўтарилигандан масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этиш.

3-амалий машғулот: Бастакорлик санъатига музиқий авангарднинг таъсири. Опера санъатида, замонавий миллий қўшиқчиликда янги услубларнинг шаклланиш босқичлари. (2 соат)

Композитор ва фольклор, Шарқ ва Ғарб музиқасининг интеграцияси, Россия ва Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмуни нималардан иборатлигини тингловчиларга етказиш. Мавзу бўйича кўтарилигандан масалалар бўйича амалий кўникмаларини намойиш этиш.

4-амалий машғулот: Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар. Мақом санъати. Мумтоз музиқани ўргатиш услублари. Чолғу музиқасини ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услублар. Машҳур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди. (2 соат)

Чолғу музиқасини ўзлаштиришда анъанавий ва замонавий услублар. Машҳур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди. Таълим тизимида бастакорликни

ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар, мұмтоз мусиқаны үргатиш услубининг замонавийлаштирилишини таълим тизимиға татбиқ этиш масалалари муҳокама этиш. Ҳар битта кичик гурұхға алоҳида мавзуларни ўзлаштириш бўйича топшириқ бериш ва блиц-сўров, Т-схема, кластер, график органайзер сингари интерфаол методлар орқали энг фаол ва билимли тингловчиларни аниқлашга ҳаракат қилиш. Машҳур созандалар ҳёти ва ижодидан намуналар ижро этиш. Тингловчиларга мустақил равишда янги методларни ўзлаштириш бўйича топшириқ бериш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

фир
ўзла
шак
маш
бери
тавс

•
•
ко

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок va муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

2. Намуна.

Фикр: “Бастакорлик санъатида “Авангардизм” оқими ва унинг замонавий мусиқага таъсири”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қараашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Вени диаграммаси методи Методнинг мақсади:

Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иширокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иширокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаллашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Опера



“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниqlаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машгүлöt қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изохини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Kanon	Юнон. canon – меъёр, қоида	
Intonatsiya	Лот. intono – қаттиқ талаффуз этаман	
Basso ostinato	Итал. basso ostinato – таянч бас.	
Geterofoniya	Юнон. heteros – бошқа, phone товуш, овоз; бир овозли куйни биргаликда ижро қилганда, импровизация туфайли вақти-вақти билан юзага келадиган оҳангдошларнинг пайдо бўлиши	
Auftakt	Нем. auf-устида, лот. Tactus – тегиш; қўл билан ишора қилмоқ, бирламчи огоҳлантирувчи қўл кўтариш характеристи	
Vokaliz	Французча vocalize, лот. Vocalis – унли товуш.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.
Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (ингл. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг мухокамасига бағишиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Мұхокама жараөни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкін. Шунингдек, амалий үйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзуу ёки муаммо мухокамасига бағишиланган брифинглар ташкил этиш мүмкін бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мүмкін.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Композиторлик санъатида жанрларнинг шаклланиши ва замонавий тенденцияларни вужудга келиши.

Режа:

1. Композиторлик санъати ривожланишининг асосий босқичлари. Композиторлик ижодиёти тарғиботида дирижёрлик санъатининг ривожланиш босқичлари.

2. Дунё халқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий тенденциялар асосида яратилган мусиқанинг тутган ўрни. Дирижёрлик санъатининг ўзига хос томонлари.

3. Услублар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусида хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

4. Авангардизм.

5. Мусиқада “модернизм” тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши.

6. Мусиқа санъатининг анъанавий услуб ва жанрларини инкор этилиши ва турли композиторлик оқимлари.

7. Додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби мусиқий композиция тузиш методлари.

8. Мусиқий композиция тузиш методлари ва замонавий мусиқа яратган композиторлар: Пендерецкий, Шчедрин, Шнитке ва бошқаларнинг ижоди.

9. Услублар плюрализми.

10. Мусиқий тил эволюцияси ва унинг шакл, мусиқий образ ҳосил қилиш механизмига таъсири.

11. Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси. Композитор ва фольклор.

12. Шарқ ва Гарб мусиқасининг интеграцияси. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

Таянч иборалар: Композиторлик санъати, замонавий тенденциялар, услублар, авангардизм, модернизм, додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм, услублар плюрализми, дирижёрлик, схема, позиция, ауфтакт, синкопа, фермата, якка машгулот, назарий билим, мануал техника, Ҷезура, тўлиқсиз такт, синхрон ҳаракат, динамика, фраза, куй, аккомпанемент, дирижёрлик таёқчаси, пульт, партитура, штрих, позиция

1.1. Композиторлик санъати ривожланишининг асосий босқичлари.

Композиторлик ижодиёти жараёнининг эволюциясига оид тадқиқотлар инсон рухияти ва физиологияси, ижтимоий-жамоат муносабатлари, санъат

тариҳи ва бошқа соҳалар нуқтаи назаридан катта қизиқиш уйғотади. Маълумки, мусиқада муаллифлик тушунчаси нисбатан яқин ўтмишда вужудга келиб, XIV асрда Ғарбий Европада қайд этила бошлаган. Мусиқа санъати кўп вақт мобайнида, асосан, оғзаки анъанадаги санъат ҳисобланиб, иккинчи мингийилликнинг ўрталаригача бадиҳагўйлик характерида бўлган. Тарихдан маълумки, қадимда мусиқа муаллифи унинг ижрочиси вазифасини ҳам бажарган. Буни Шарқ халқлари мусиқий афсоналарининг ёрқин намояндадари бўлмиш Борбад ҳамда Ота Қўрқит мисолида кўришимиз мумкин.

Мусиқанавислик натижасида муайян халқнинг эстетик талабларини акс эттирувчи ифода воситаларининг танлаб олиниши, бир халқнинг мусиқасига оид бадиий ютуқлар бошқа бир халқнинг тилида буткул ўзгача сифат уйғулигига эга бўлган. Композиторлик ижодиётининг қарор топиши жараёни – умумбашарий цивилизацияга оид кўплаб санъаткор авлодларнинг фаолияти натижасидир. Овоз жарангдорлиги Динамик ва акустик хусусиятларни узгартирмасдан узок масофага овознинг етиб бориши. Мусиқада муаллифликнинг пайдо бўлиши ижод соҳасида индивидуаллик хусусиятининг англаниши билан боғлиқ. Мусиқадаги индивидуал-бетакрор қирра тингловчининг эътиборини ўзига тортиши табиий, албатта. Бу эса, тарихда буюк мусиқачиларнинг номлари мухрланиб қолишига сабаб бўлган. Илк нота ёзуви мисоллари муайян мусиқий даврнинг услубий қирраларини ифодаловчи ўзига хосликни мухрлаб кўйиш эҳтиёжи орқали вужудга келган.

Қадимда мусиқа яратишнинг ижодий жараёнини кузатадиган бўлсак, аввалам бор, у ушбу халқнинг ижтимоий-жамоавий ҳамда диний муносабатлари тизими томонидан шаклланган ахлоқий мукаммалликка асосланган. Ахлоқий-эстетик мукаммаллик таъсири остида ушбу даврнинг ўзига хос мусиқий услуби қарор топган.

Қадимги давр алломаларининг назарий рисолаларига оид тадқиқотлар мусиқий жараёнларни юксак даражада англаш, шу билан бирга, ушбу жараёнларда мантиқийлик ҳам юқори савияда бўлганидан далолат беради. Сафиуддин ал-Урмавийнинг “Рисолатун аш-Шарафия”, Дарвишали Чангийнинг “Рисолаи мусиқи”, Абу Наср Форобийнинг “Китоб ул-музиқа ал-кабр”, “Калом фи-л мусиқи”, “Китоб ул фи ихсо-ил-ико”, Абдураҳмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий” сингари илмий-назарий мерос ва ундаги қимматли маълумотлар фикримизга далилдир... Овоз тури аникланади Барчасида аниқланади.

XX аср биринчи ярми мусиқий шакллари. Бу давр мусиқаси композицион схемалари қўпчилигининг анъанавийлиги билан бир қаторда уларнинг бир қатор ўзига хосликларини ҳам айтиб ўтиш лозим: улардан фақат асар шакли сифатида эмас, балки макро ёки микрошакл кўринишида ҳам фойдаланиш мумкин. Мисол учун: Прокофьевнинг 5 қисмли Пб фортепиано концертида рондо бу цикли ташкил этиш шаклидир. (макросатҳ) ва «Золушка» да «Қиш париси» сахнасида ҳам мавзу шакли рондодир (микросатҳ). Романтик аралаш шакллар әркин шакллар, қисмларнинг функцияларини ноанъанавий тақсимлаш хосдир.

Булардан ташқари, янги, индивидуал шакллар пайдо бўлади, аммо асрнинг иккинчи ярмидачалик эмас.

Анъанавий, типик шаклларни қўйидагиларга бўлиш мумкин;

а) — мумтоз — давр, содда ва мураккаб шакллар, рондо, вариациялар, соната ва туркум.

барокко — канон, фуга, кичик 2,3 ва кўпқисмли, қадимги соната ва қадимги концерт; романтик — аралаш, концентрик, қарама — қарши — тузилган, қўшиқ — куплетли. саҳна кўринишидаги — балет, опера. Вокал — хорли — кантата, реквием, месса.

Санаб ўтилганлар орасида жуда кенг тарқалган вариационликка диққатимизни қаратамиз.

Необарокко тажрибалари асосида бас — остинатли вариациялар қайта туғилдилар (Шостакович, Берг, Веберн, Хиндемит) ва фаол мавзуй ривожланишга эга бўлган эркин вариациялар хам (Шёнберг). Прокофьевнинг мавзунинг тўлиқ қайтарилиши, фактурали, тембрли ва қисмли (частично) гармоник ривожланишга эга бўлган вариацияларигина остинат шаклга ўсиб ўтадилар ва улар саҳна асарларида прострация, алахлаш, ғояга боғланиб қолиш ҳиссиётини уйготадилар.

Соната шакли ёзувнинг янги техникаларидан фойдаланади, мисол учун додефон сериялилик билан (Шёнберг). Веберннинг 9 чолғу учун концертида серияликнинг сонаталик билан бирлашувида репризада ёндош мавзу — сериянинг транспозицияси йўқдир.

Жуда кенг тарқалган концентрик шакл ўзининг юқори конструктивлиги билан архитектоника, гармония, фактура, мавзудаги деструктив ўзгаришларга қарама — қарши туради.

Мазмун жиҳатдан концентрик симметрия мантиқининг ривожи деб — ойнали — қисқичбақали (зеркально — ракоходная) шаклни олиш мумкин (Берг).

б) XX аср иккинчи ярмида ривожланишда давом этган новаторлик шакллари орасида Прокофьевнинг остинатли шаклларини мисол қилиб олиш мумкин. Улар орасида Яван гамелани тамойили асосидаги полиостиатли бир товушли, бир аккордли, бир ритмли инвенциядир. Вақтда ўралган (свёрнутая) (симультан) репризали шаклни Б.Барток киритди. Ва ниҳоят, макротематизм асосида қурилган шакллар пайдо бўла бошлайди (Айвз. «Жавобсиз қолган савол»).

Опера хонандасининг уртacha диапазони Квинта оралигида тузилади. Бу шаклларнинг ҳаммасидаги ички «ҳодисалар», ривожланиш турлари маълум бир ёзув техникасига тегишли бўлган мавзуййлик тури ёки улардаги маълум бир ифода воситасининг тутган ўрни билан аниқланади.

XX аср иккинчи ярми шакл ташкил этилиши ва шакллар типологияси. XX асрнинг иккинчи ярми шакл ташкил этиш соҳасидаги новаторлик фаоллик билан тавсифланади. Бу жараёндаги муҳим ва доимий тамойилларни қўрсатиб ўтамиз. Биринчидан: бу — полипараметрик (В.Холопова атамаси) бўлиб, бунда ривожланиш асослари турли хил

масштабларга эга, улар микро, макро вам ўрта (мидл) сатҳларда жойлашгандир. Ҳар бири ўз мавзуийлиги ва унга мос бўлган ривожланиш усулига эгадир. Айниқса, макросатҳ муқим аҳамият касб этади. Унда мавзу ролини ифодавийлик ва ёзув тури ўйнайди. Макросатҳ бир бутунлик драматургиясини ташкил этади ва бу В.Холоповага шаклнинг янги тури бўлган драматургия ҳақида сўз юритиш имконини берди. Шу билан бир қаторда драматургиянинг асосий турларини аниқлаш мумкин: қарама — қаршилик (конфликт, Шнитке), қарама — қаршиликсиз солиштирма (контраст, Шедрин, Б.Чайковский), замонавий адабиётдан олинган параллел драматургия (Канчелли), монодраматургия

(«Пианиссимо», Шнитке, Тертерян симфониялари). Бу давр асарлари орасида олдинги конструктив тамойилларга боғлиқ бўлган, асарлар ҳам сақланиб қолган. Мисол учун вариациялар шакли ўз фаоллигини йўқотмайди. Бу шакл Р.Шедрин ижодида мухим ўрин эгалландир. Полифоник шакллардан прелюдиянинг кичик туркуми ва фуга, мустақил пьеса сифатидаги канон сақланиб қолган («Канон памяти С.Стравинского» Шнитке). Бу давр ижодиётида очик; шакллар мухим ўрин эгаллайдилар. Улар орасида:

а Ҷ с с! ... схемали репризасиз оралиқ (сквозная) шакл. Бу шаклни тавсифлаш учун экзистенциализм руҳидаги фалсафий тасаввурни асос қилиш мумкин, яъни: охирги мақсадни билмаган холда инсоният томонидан босиб ўтилаётган йўлни мисол қилиб олиш мумкин, Бундай мантиққа кўра пьеса сўнгига якуний таъкиддов бўлмаслиги керак (С.Губайдулинанинг скрипка вавиолончель учун «Радуйся» сонатаси); иккита материал ва макромавзунинг маротаба кетма —кет қайтарилишига асосланган альтернатив шакл. Схемаси қуидагича а Ҷ a^1 Ҷ a^2 Ҷ a^3 бу ерда одатда техникаларнинг қарама — қарши хоссалари қарама — қарши қўйилади. Мисол учун: колажлар алеаторикаси ва дodeкафония (Шнитке, кларнет, скрипка, контрабас ва зарбли чолғулар учун серенаданинг биринчи қисми),

Ва ниҳоят қисқа мавзуий формуланинг остинатли қайтарилишига асосланган шакл пайдо бўлади. Бу шакл маросим, зикр таассуротини беради. Уни микроостиатли шакл деб аташ мумкин (мисол — Тишенко «Ярославна» балетидаги «Затмение» сахнаси). Товуш бойламларининг узунлиги аёлларда 13-15 мм. Ўзбек оркестри партитурасида 5 та гурӯҳ бор.

Юқорида қўриб ўтилган шаклларнинг хаммаси аниқ ифодаланган мавзуийликка асосланган баъзи бир холларда аниқ чегаралар ва интонацион д.оимиийликка эга бўлмаса ҳам. Аммо XX аср мусиқасида материал ва унинг ривожи орасида мутлақо бошқача боғланиш вужудга келади. Бу вазият мавзунинг танлови мусиқий ёзувнинг янги унсурлари билан боғлиқ бўлиб унга мос бўлган давомни талаб қилганда содир бўлади. Бу ерда танлов ва мослаштириш (сочетание) поэтик қонуни иш кўради. «Тенглик ўқининг ўриндошлиқ ўқига проекцияси, яъни мослашувга, товушқаторга проекцияси» мавжуддир (Р.Якобсон — Поэзия грамматики и грамматика поэзии).

Худди шу нарса анализ вақтида композициянинг универсад меъёрларидан эмас, балки мусиқанинг маълум бир замонавий ифодавийлиги

кўринишининг қонуниятлари ва потенциал имкониятларидан келиб чиқиши керак деган фикрга олиб келади. Соло урма зарбли чолғулардан кейин гурухдан кейин ёзилади. Романтизм даври ижодкорлари Шопен, Шуман, Шуберт, Абдуллаев.

У холда дodeкафон — серияли, ритмик, линеар, сонор, сериал, полифоник шакл ташкил этишлар хақида сўз юритиш керак...

Композиторлик ижодиёти тарғиботида дирижёрлик санъатининг ривожланиш босқичлари. Одамлар биргаликда қуйлай бошлаганларидан бери уларда умумий ритм ва суръатга риоя қилиш зарурияти пайдо бўлган. Ибтидой халқларнинг рақс ва қўшиқларида ритмни қарсак чалиб бериб турганлар, шунингдек, дўпирлатиб ёки дўмбира чертиб уриб турганлар. Қадимги Грецияда хор раҳбарлари бўлиб, улар оёқларини дўпирлатиб, ритм белгилаб берганлар. Яна шу ҳам маълумки, Рим қўшиқ мактабида хорни бошқариб туриш учун маълум қўл ҳаракатларидан фойдаланишган. Дирижёрликнинг мазкур икки усули оркестр бошқарувига асос солди, биргалиқдаги аниқ ижрони йўлга қўйиш учун дирижёр тактни оёғи билан уриб, таёқча билан пулт ёки полни тақиллатиб, яна шунингдек, карнай қилиб ўралган нота дафтари билан пултни уриб қўрсатиб турарди. Антик даврда “дирижёр созандалар ижросини ягона ритм ва темпга мослаштиришни, уларни ижрога йўналтириш учун белги бериши лозим”¹.

Хуллас, тактни оёқ билан уриб қўрсатиш узоқ вақт давом этди. Немис бастакори Маттесон (1731 й) киноя билан шундай деган эди «Баъзилар тактни оёқ билан уриб қўрсатиш ҳақида ижобий фикр билдиришлари таажжубланарли, балки улар ўз оёқларини бошларидан кўра ақллироқ деб ҳисобласалар керак. Шу боис оёқга бўйсунадилар».

Дирижёрлик таёқчаси эса у пайтда турли узунликда ясалар эди. Баъзан, унинг узунлиги 180 смга етарди ва у «Қироллик жезли — ҳассаси» деб юритиларди, ҳамда уни ерга уриб, такт белгиланарди.

«Оҳанг мазмунини олдиндан илғаб, мағзини чақиб, ҳар бир мусиқий чолғунинг товушини яхши тушунишга, қулоғингни уларга хос пардаларни ажратса билишга ўргат»², — Роберт Шуманнинг бу ўғитини ҳар бир дирижёр доимо эсда тутиши керак. Партитура оркестр чолғуларининг барчаси ижро этадиган ноталар ёзилган матн.

Мусиқа санъати жадаллик билан ривожлана бошлаган даврларга келиб, илк бор аҳамиятга молик бўлган опералар пайдо бўлган. Композиторлар турли ансамбл ҳамда овозлар учун мусиқа ёза бошладилар. Ана шундай гурухлар ижросидаги суроатнинг ягона бўлишига эришиш учун буларни бошқаришга эҳтиёж туғилди. Яратган мусиқий асаллар мураккаблашгани сари, қўшиқчиларни ва оркестрни бошқаришга бўлган эҳтиёж янада кучая борди. Ижрода яқдиллик ва суръатга риоя қилиш зарурияти бу муҳим вазифани энг

¹ Elizabeth A.H.Green. The modern conductor. New Jersey, Prentice Hall, 2007. P. 144-145

² Demaree, Robert W., Jr., and Don V Moses. The complete Conductor. Englewood Cliffs, N.J.: Prentice hall, 2005.-P.85.

масъул ва малакали мусиқачилар зиммаларига юклашни талаб этар эди. Бундайлар эса оркестрнинг биринчи скрипкачиси ёки оркестрда уйғунликни таъминловчи чембало партиясини ижро этувчи созандалар бўлган. Баъзан бу вазифани уларнинг ъар иккаласи биргалашиб бажарганлар. Яъни, чембалачи яккахонлар ва хорни бошқарса, биринчи скрипкачи эса оркестрни бошқаарди. Бу тарздаги бошқарув ҳам дирижёрлик эди, бироқ унда бу иш ҳозирги аҳамияти ва шаклига эга эмасди. Дирижёрлик санъати ривожланишининг бу босқичидаги ўзига хослик хусусияти — оркестрни унинг аъзоси бўлган мусиқачилар бошқаришидан иборат эди.

«Дирижёр» сўзи турли тилларда турлича талафуз қилинади: немислар «Диридент, италянлар «Дириденте», франсузлар «Шеф оркестре», инглизлар «Кондуктор» дейдилар.

Ҳикоя қилишларича, Рихард Вагнердан кейинги даврларнинг энг буюк дирижёрларидан саналган Ганс Рихтер (1843–1913), Вена опера театрининг бош дирижёри пайтида, репетиция вақтида контрабасчининг хатосини кўриб, унга қўпол тарзда танбех берган. Шунда мусиқачи: «Сиз ҳақсиз, мен хато қилдим, бироқ бунга қўпол танбех бермасангиз бўларди. Агар сизнинг таёқчангиз учida қўнғироқчаси бўлганда борми, биз ҳам баъзидা нотўғри ҳаракат товушларни эшитган бўлардик!» Дарҳақиқат, оркестр аъзолари дирижёр хатоларини «эшитиб» турадилар, лекин доим эмас. Дирижёр хатосини фақат уни кузата туриб, нотўғри ҳаракатини кўриб қолган кишигина англаши мумкин³.

Ҳар қайси тилда ҳам бу сўз раҳбар, бошлиқ, директор маъносини англатади. Шундай қилиб, дирижёр бу — оркестр жамоасининг раҳбаридир. Ўз вақтида Гектор Берлиоз укувсиз пианиночи ёки хонанда ижросига чидаш мумкин, лекин асар маромини ва оркестр жарангини ҳис қилмаган, уйғунликни англамаган, мусиқачиларга ҳалал бераётган дирижёр қанча ташвиш ортиришини тасаввур қилиш қийинлигини таъкидлаб ўтган эди...

1.2. Дунё ҳалқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий тенденциялар асосида яратилган мусиқанинг тутган ўрни

Гарб мамлакатларида композиторлик санъати. Қадимда ижтимоий ҳаётнинг диний қонун-қоидалар билан белгиланиши, мусиқанинг асосан черковларда ривожланиши боис, композиторлик ижодиётининг асосан диний мавзуларда акс этиши кузатилади. Диний чекловлар инсонларнинг юриштуришига бўлган жиддий ёндашувлар мусикада ҳам яққол кузатилади. Гармония, ритм ва мелодик йўлларнинг оддийлиги черковнинг талаби билан белгиланади.

Қадимги рисолалар, адабий ёдгорликлар, афсона ва ривоятларда берилган маълумотларда келтирилишича, мусиқа яратиш жараёни кучли ҳиссий таъсир билан teng. Инсоният ва ҳайвонотга ижобий таъсир кўрсатиш

³ Elizabeth A.H.Green. The modern conductor. New Jersey, Prentice Hall, 2007. P. 44

ҳамда илохий дунёга маъқул келиш – мусиқанинг мақсади ҳисобланган. Гўзаллик ва уйғунлик қонуни мусиқага космосдан кириб келган бўлиб, бадиий услугба асос бўлган. Бадиий услубнинг ўзи эса ақлий ва ҳиссий бирликни ўзида тенг ҳиссада жам этган.

Ижодий услубда эса, юқорида айтилган бадиҳагўйлик катта аҳамият касб этган. Бадиҳагўйлик билан ижодий услуб ўртасидаги узвий боғлиқлик Марказий Осиёнинг мақом маданиятида яққол кўзга ташланади. Яратиб бўлинган ва ҳатто ёзиб олинган мусиқанинг ижросида вариантларнинг пайдо бўлишига нафақат мусиқий ёзувнинг номукаммаллиги, балки, бирламчи вариантни ўзгартириш бўйича изланишларнинг мавжуд бўлиши ҳам сабаб бўлган. Тугал бадиий асар бўлган Композиция тушунчаси мавжуд бўлмаган даврда мана шундай ижодий ҳолат одатий ҳисобланган.

Барча қадимий цивилизациялар қўлга киритган мусиқа санъати ютуқлари ўрта аср европа мусиқасининг ривожига пойдевор тайёрладики, бу даврда мусиқада **муаллифлик ижодиёти** буткул шаклланди.

Композиторлик санъатига оид жанрларнинг ривожланиши (Шарқ ва Ғарб). Шарқда мақом санъатининг ривожланиши. Дувоздаҳмақом 12-асрга тегишли мусиқий-бадиий турқум. Композиторлик санъатининг чолғу соҳадаги ривожланиши. Композиторлик санъатининг айтим соҳадаги ривожланиши. Ғарбда полифоник шаклларнинг юзага келиши. Гармония таълимотининг вужудга келиши. Илк опералар. Монтерверди опералари. Вагнер, Глюкнинг опера ислоҳоти. Чолғу концертларининг ривожланиши.

Дирижёрлик санъатининг ўзига хос томонлари. Санъат — бу инсонга хос шундай фаолият турики, унинг воситасида бир инсон ўз бошидан кечираётган ҳиссиётларни ташқи белгилар орқали бошқаларга етказади, улар эса бу ҳиссиётни ўз қалбларига кўчирадилар, дилдан хис этадилар». Бу эътироф дирижёрлик санъатига бевосита тааллуқлидир. Бунда дирижёрнинг эмоционал таъсир кучи, унинг бошқаларга ҳиссиётларни етказа билиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Аввало у ўз ҳиссиёти билан оркестрни ром этиши, сўнг эса у билан бирга тингловчиларни сеҳрлаб қўйиши даркор. Айнан эмоционал таъсир кўрсата олиш ҳусусияти кўп жиҳатдан дирижёрнинг истеъоди, унинг артистлик маҳорати ва иши сифатини белгилайди. Бошқаларга ўз ҳиссиётини етказа билиш қобилияти дирижёр ижодининг мустақиллиги, қолаверса — илҳом белгисидир. Том маънодаги илҳом — бу эмоционал самимийлик, чуқур интеллект, санъаткорона темперамент, идрок, эркинлик ва интизом, ўзини бошқариш, юксак маҳорат, ва ниҳоят бу ҳақиқий ёрқин истеъодод ҳамда ақлий меҳнат демакдир. Шу ўринда ажойиб дирижёр А. М. Пазовскийнинг «Дирижёр қайдлари» китобидан Артур Тосканини ҳақидаги қўйидаги мулоҳазаларни келтириш жоиз:

«Шахсан менинг фикримча, Артуро Тосканини замонамиз дирижёрлик санъатининг энг юксак чўққисига эришган инсондир. Унинг даҳолиги, улкан ирода кучи, романтик инсонга хос индивидуаллик ва ҳиссиётчанлиги, муаллиф матнини ёрқин ва ўзига хос тарзда ўқий билиши, ўзининг артистлик қобилиятини композитор шахсияти ва мусиқаси билан уйғунлаштира олиши,

бу мусиқанинг образлилигини янада чукурлаштириб, унинг шаклини камол топтиришдан иборатдир».

Ўз вақтида Шарл Мюонш: «Агар дирижёр ички ҳиссиёт кучига, оркестр аъзолари ва тингловчиларни цехрлаб қўйишга қодир оҳанрабога эга бўлмаса, унда хатто 15 йиллик меҳнат ва ўқиши жараёни ҳам инсоннинг дирижёр бўлишига ёрдам бера олмайди»⁴, — дея эътироф этганда мутлақо ҳақ эди. Шу боис дирижёрнинг ўзи аввало мусиқий асарнинг ғоя ва моҳиятини чукур англаши, шундан сўнггина уни оркестрга етказиб, мусиқачилар унинг мақсадларини амалга оширишларига эришиши лозим. Дирижёр партитурадаги унсиз нота белгиларига ҳаёт ато этиши лозим. Бунда у мусиқани тўғри талқин этиши зарур. Ўз ишини яхши билмайдиган ёки истеъдодсиз дирижёр томошабин олдида ҳаттоки энг ажойиб мусиқий асарни ҳам барбод қилиши мумкин. Айниқса, асар янги, хали кўпчиликка нотаниш асар бўлса. Шунинг учун янги асарни ижро этишда дирижёр жуда эҳтиёт бўлиши керак. Чунки уни аввал эшитмаган тингловчи дирижёр хатоларини бастакорники деб ўйлаши мумкин.

Албатта, ҳар қандай энг маҳоратли, юксак иқтидор соҳиби бўлган дирижёр ҳам ёмон мусиқани яхши қилолмайди. Бироқ мусиқий асарнинг ноёб томонларини очиб бериш, ёки муаллиф ғоясини бузиб кўрсатган ҳолда, бундай хусусиятларни яшириш — фактат дирижёрга боғлиқ. Шу боис Римский-Корсаковнинг «Дирижёрлик — қоронғу иш» деган ибораси қайсиdir маънода шу кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган. Гарчи ўша пайтлардаёқ Римский-Корсаковга жавобан, Ипполитов-Иванов «Бу иш фактат дирижёрлик техникаси асослари билан таниш бўлмаганларгагина «Қоронғу эканлигини» айтган бўлсада, бундай асосларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш иши тўлиқ якунланган дейиш қийин. Барча мусиқачилар каби, дирижёр ҳам мусиқанинг элементар назариясини, солфеджио, гармония, полифония, мусиқий асарлар таҳлилини яхши билиши керак. Шунингдек у инсон овози ҳақида умумий маълумотларга эга бўлиши, чолғушунослик, мусиқа тарихи, эстетика ва бошқа керакли соҳалардан боҳабар бўлмоғи лозим. Дирижёр оркестр ёки хорга нисбатан раҳбар, ўқитувчи, инструктор бўлишини ҳам унутмаслиги керак. Бу мезонлар дирижёр ҳоҳ ёш, ҳоҳ қари, тажрибали ёки ўз фаолиятини энди бошлаётган бўлсин — барчасига баробар тегишлидир. Албатта, дирижёрлик тажрибасини амалий фаолиятсиз тўплаб бўлмайди. Бироқ, бу фаолиятдан олдин, яъни бошловчи дирижёр оркестр ёки хор қаршисида туриш хуқуқини кўлга киритгунча қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Бунинг учун энди фаолият бошлаётган дирижёр алоҳида қобилиятга эга бўлиши керак, бу — ўта муҳимдир. Бундан ташқари у яхши мусиқачи бўлиши, яъни мусиқий маданият ва билимга эга бўлиши лозим. Мусиқа садоларини яхши илғаш, ритм ва темп ҳисси, мусиқий шакл ва услубни тушуниш қобилияти, мусиқий дид, меёр ҳисси, мусиқий хотира, темперамент ва тасаввур каби ижрочи-мусиқачиларга

⁴ Elizabeth A.H.Green. The modern conductor. New Jersey, Prentice Hall, 2007. P. 73.

хос хусусиятлардан ташқари дирижёр яна бир қатор алоҳида жиҳатларга ҳам эга бўлиши даркор. Бу аввало қўлларнинг мақсадга мувофиқ ва оҳиста ҳаракатлари ҳамда шунга яраша юз ифодаси ёрдамида оркестр ёки хор аъзоларига мусиқий асарнинг моҳиятини етказа олишдир. Бунда дирижёр ўзини назорат қила билиши, ҳар қандай вазиятда тезкор ва ифодали бўлиши лозим. Буларнинг бари дирижёрга мусиқа асарларини тингловчи олдида ижро этилаётган пайтда юзага келиши мумкин бўлган оғир вазиятлардан муваффақият билан чиқиб кетиши учун керак бўлади. Дирижёрда ташаббускорлик, қатъиятлилик, интизомлилик, ташкилотчилик истеъоди уйғунлашган бўлиб, шу билан бирга жамоага нисбатан ҳушмуомалалик, осойишталик ва чукур ҳис эта билиш қуввати намоён бўлиши керак. Оркестр ёки хор билан яхши ишлаш учун дирижёр зийрак ва оқил педагог-тарбиячи бўлиши лозим. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, мардлик, ҳалоллик ва принципиаллик каби хусусиятларсиз, ҳақиқий дирижёрни тасаввур қилиб бўлмайди.

Репетицияларда дирижёр оркестрни у ёки бу мусиқий асарни ижро этишга тайёрлайди. Бунда ҳар бир оркестр ёки хор жамоаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиш зарур. Шу боис дирижёр олдида турган вазифалар кўп бўлади-ю, унга ажратилган вақт эса кам бўлади. Қисқа вақт ичida оркестрга керак бўлган ҳамма нарсага улгuriш лозим. Бироқ, дирижёрнинг ўзи ҳам репетицияга мухтоҷ-ку, айниқса агар оркестр билан янги мусиқий асарни биринчи бор машқ қилаётган бўлса. Агар дирижёр фақат оркестр учун қайғуриб ўзи устида ишлаш ҳақида унтиб қўйса, яъни ўзини назорат қилишдан тўхтаса бу унинг хатосидир. Агар дирижёр ўзи ҳақидагина ўйлаб, оркестрни ташлаб қўйса, ундан-да нотўғри йўл тутган бўлади. Борди-ю, дирижёр оркестр ҳақида ўйламаса, ўзининг дирижёrlиги ҳақида унтиб қўйса ва фақат шундай бўлиши кераклиги учунгина, мажбуран ишласа ёки хотирасини синаш мақсадида ёддан дирижёрлик қилиб, ўз ҳаракатларининг «гўзаллиги»га маҳлиёлик туйғуси билан яшаса бундан ёмони бўлмайди.

Хикоя қилишларича, Рихард Вагнердан кейинги даврларнинг энг буюк дирижёрларидан саналган Ганс Рихтер (1843–1913), Вена опера театрининг бош дирижёри пайтида, репетиция вақтида контрабасчининг хатосини кўриб, унга қўпол тарзда танбех берган. Шунда мусиқачи: «Сиз ҳақсиз, мен хато қилдим, бироқ бунга қўпол танбех бермасангиз бўларди. Агар сизнинг таёқчангиз учida қўнғироқчasi бўлганда борми, биз ҳам баъзида нотўғри ҳаракат товушларни эшитган бўлардик!» Дарҳақиқат, оркестр аъзолари дирижёр хатоларини «эшитиб» турадилар, лекин доим эмас. Дирижёр хатосини фақат уни кузата туриб, нотўғри ҳаракатини кўриб қолган кишиги на англаши мумкин.

Ўз вақтида Гектор Берлиоз уқувсиз пианиночи ёки хонанда ижросига чидаш мумкин, лекин асар маромини ва оркестр жарангини ҳис қилмаган, уйғунликни англамаган, мусиқачиларга ҳалал бераётган дирижёр қанча ташвиш ортиришини тасаввур қилиш қийинлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу боис, мусиқий ва касбига хос қобилиятлардан ташқари дирижёр тартибли

инсон бўлиб, режа бўйича ишлаши, репетиция мароми ва мухитини тўғри ташкил эта билиши лозим.

Кўриниб турибдикি, дирижёрнинг вазифалари жуда кўп ва масъулиятли, Хўш, мусиқа санъати олдида шунчалик катта масъулиятли бўлган санъаткор қандай фазилатлар эгаси бўлиши керак? Дирижёр ва оркестр ўртасида «кўзга кўринмас алоқа» вужудга келиши учун зарур бўладиган интеллектуал, бадиий-ижодий, профессионал ва инсоний фазилатларнинг кўпқиррали мажмуаси нималардан таркиб топади?

Бу аввало — кенг кўламли мусиқий билимлардир. Дирижёр кўп мусиқий асарлар — уларнинг шакли, турли даврларга хос мусиқий тилнинг хусусиятларини билиши керак. Оркестрнинг ҳар бир мусиқачиси қандай муаммога дуч келиши ва уни бартараф этиш йўлини тушуниш учун оркестрнинг ҳар бир мусиқа чолғусини яхши билиши шарт. Дирижёр оркестр партитурасини эркин ўқий олиши, мусиқа тарихи соҳасида кенг билим ва дунёқарашга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, агар тартиб билан санаб ўтсак, «истеъдод» деб аташга ўрганганимиз — асосий ифода воситаларига кирувчи мусиқий эшитиш, хотира, темперамент, тасаввур қилиш қобилияти, мусиқий шакл ва ансамбль ҳисси, урғу сезгирилиги, қўллар ва юзнинг табиий ҳаракатчанлиги, буларнинг ҳаммаси дирижёрга оркестр аъзоларига ўзининг бадиий мақсадларини етказишга ёрдам берувчи воситалардир. Худди шу фазилатлар каби, дирижёр қалбида доимо метроритм ҳиссиёти яшайди. Бу ҳиссиёт мусиқага шакл, ҳаёт, ҳаракат ва ривожланиш беради, Агар дирижёрда техника истеъдоди бўлса, унда унинг эгилувчан кўллари ва юзининг, айниқса кўзларининг маънодор ифодаси билан уйғунлашса, дирижёрнинг ажойиб ва бетакрор «тили»га айланади. У ана шу тилидан қанчалик унумли фойдаланса, ўзининг бадиий мақсадларига шунчалик тез ва аниқ етаолади. Агар дирижёрнинг техникаси ёмон бўлса, дирижёрга мусиқанинг нозик қочиримларини, ўзгаришларини ифода этишга халал берибина қолмай, унга тактни бир маромда чалишга имкон ҳам бермайди.

Баъзи дирижёрларнинг қўл ҳаракатлари эркин ва пластик бўлсада, ижрочилар уларни барибир тушунмайдилар. Буни шундай изоҳлаш мумкин, улар ўзларининг чиройли қўл ҳаракатлари билан маъно ифода эта олмайдилар. Шу боис дирижёрга қўл ҳаракатларининг ташки чиройи эмас, балки уларнинг маънодорлиги ва ишонтирувчанлиги мухим. Бунинг энг яхши исботи сифатида буюк рус композитори Пётр Чайковскийнинг ажойиб дирижёр Артур Никиш ҳақида қўйидаги сўзларини келтириш жоиз: «Унинг дирижёрлиги, — деб ёзади П. И. Чайковский, — Ганс Фон Бюловнинг таъсирчан ва ўзига хос усулига мутлақо ўхшамайди, Фон Бюлов қанчалик ҳаракатчан, нотинч ва кўзга ташланувчи ҳаракатлари таъсирчан бўлса, жаноб Никиш шунчалик хотиржам ва нафис, ортиқча ҳаракатлардан холидир. Шу билан бирга жаноб Никиш ҳайратланарли даражада кучли, хукмронлик туйғусига тўлиқ ва ўта иродалидир. У бамисоли дирижёрлик қилаётгандек эмас, балки қандайдир сирли илҳом таъсирида ҳаракатланаётгандек, оҳанглар оғушида сузаётгандек туюлади кишига. У диққатни кўп ҳам жалб

қиласкермайди, чунки эътиборни ўзига тортмасликка ҳаракат қиласди. Ваҳоланки, оркестрнинг улкан жамоаси, маҳоратли устанинг қўлидаги бир чолғудек, унинг ҳукмида эканини, тўлиқ бўйсунайтганини сезасиз. Оркестрни бошқараётган бу раҳбар — 30 ёшлар чамасидаги рангпар, чақноқ кўзли йигит сеҳрли кучга эгадек туюлади. Бу куч таъсирида оркестр, гоҳ минглаб Иерихон карнайлариdek гумбурлайди, гоҳ қаптардек майин овоз чиқаради, гоҳида эса сеҳрлаб қўювчи сирлилик оғушига сизни батамом боғлаб қўяди. Буларнинг барчаси тингловчилар ўзига бўйсинувчи оркестр устида хотиржам ҳукмронлик қилаётган бу кичкинагина капелмейстерга эътибор ҳам бермайдиган тарзда амалга оширилади. Менимча, бу — идеал!».

1.3. Услублар, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Барокко даврида - Кавальери, Монтерверди, Рамо, Гендель, Пёрсел ижоди барчага маълум бўлди. И.С.Бах ижодий изланишлари юксакларга кўтарилиди..

Классицизм даврида - Гайдн, Моцарт, Бетховен ижоди жаҳонга танилди. Романтизм даврининг ижодкорлари - Шопен, Шуман, Шуберт, Лист ижоди равнақ топди. Импрессионизм даврининг энг улуғ, барчага маъқул ижодкорлари Дебюсси ва Равель бўлди.

Экспрессионизм даврида - К.Пендерецкий, Г.Малер, Р.Штраус ижод қилишди. Арнольд Шёнберг раҳбарлик қилган Янги Вена мактаби ташкил топди. Булар, А.Шёнберг (раҳбар), А.Берг ва А.Веберндири. Ўз ижодини кечки романтизм даврига яқин бўлган асарларни яратишдан бошлаган А.Шёнберг романтик идеални рад этиш орқали хавф-хатар ҳисси, атроф-муҳитга нисбатан қўрқинч, умидсизлик ва ишончсизлик руҳи билан йўғилган бадиий-гоявий образни ифода этишга киришди...

XX асрнинг 1-чорагидан бошлаб жаҳон мусиқа санъати ҳам барча санъатлар қаторида дунё миқёсида бўлаётган сиёсий тортишувлар асносида ўзгаришларга юз тутди. Замонавий мусиқа – авангард мусиқа сифатида босқичма-босқич ривожланиш поғоналарини бошдан кечирди. Янги композиторлик технологиялари, услублари, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кузатилиди. Натижада, ҳозирги замонда вужудга келган, энди биз биладиган янги гибрит жанрлар, янгича шакл ва услубларда яратилган асарлар мерос бўлиб қолди. XXI асрда ҳам авангард мусиқа йўналишида ижод қилаётган кўплаб янги авлод композиторлар бу ишларни юқори даражада давом эттиришмоқда.

XX аср мусиқасида шакл ва услублар хилма-хиллиги, услублар плюрализми, мусиқий тил эволюцияси ва унинг шакл ҳосил қилиш механизмига таъсири каби янги тушунчалар ҳам пайдо бўлди...

Дирижёр – катта билим ва тажрибага эга ижодкор, ташкилотчи ва бошқарувчи сифатида. Таникли дирижёр Оскар Фрид айтганидек, «энг нозик мусиқий тасаввурларни илғашга қодир юрак билан туғилиш керак, ана шу тасаввурларни ғояларга айлантиришга қодир ақлни тарбиялаш зарур, бу

гояларни оркестрга етказиш учун эса кучли қўлга эга бўлиш лозим». Моҳир дирижёрнинг санъатини оркестрдан ажратиб бўлмайди деганимизда, биз аввало унинг ижрочилар жамоасини кўптовушли ва ранг-баранг ягона мусиқа асбоби сифатида қабул қила олиш қобилиятини назарда тутамиз. Ана шу ягона мусиқий асбоб — тирик, ўзига хос тарзда фикр юритувчи, ҳис қилувчи ва яратувчи ижодкор — мусиқачилар гуруҳидан иборат эканлигини доимо эсда тутиш керак. Оркестр жамоасига уйғунлашиб кетиш, бутун вужуди ила у билан нафас олиш, куйлаш, ижро этишга қодир бўлмаган мусиқачи моҳир дирижёр бўла олмайди.

«Яхши хотира — дирижёрнинг асосий ва энг яхши фазилатларидан биридир», — деган эди Шарл Мюонш. Бу борада Николай Аносов Балакирев билан содир бўлган воқеани мисол қилиб келтиради: «Ўз навбатида ажойиб пианиночи ҳам бўлган Балакиревнинг дирижёрлик фазилатлари унинг замондошлари бўлган бастакорларнинг рус мусиқа шинавандалари орасида оммавийлашувига кўп жихатдан кўмаклашди. Балакирев томонидан М. И. Глинканинг «Руслан ва Людмила» операсини Прагада саҳналаштирилганлиги ҳам бу борада катта аҳамият касб этди. Бу постановка билан боғлиқ қизиқарли воқеани эслаб ўтмасдан илож йўқ. Премьера арафасида «Руслан ва Людмила» партитураси ғойиб бўлди ва умуман топилмади. Бироқ бу спектакль муваффақиятига заррача путур етказмади — Балакирев бутун операни ёддан билгани учун бемалол ўтказа олди.»

Дирижёр наво, хиргойи ва ритм ҳиссига эга бўлиши лозим. Қачонлардир Вагнер мусиқий жумлани мантиқан хиргойи қилиб беришни билмаган дирижёр, тўғри темпо-ритмни ҳам топа олмаслигини, мусиқанинг ўзи эса унинг учун қандайдир мавҳум, грамматика, арифметика ва гимнастика ўртасидаги қандайдир мужмал нарса эканлигини қайд этганди. Бу жуда тўғри. Мусиқий асарнинг навосини ҳис қилиш — мусиқанинг гўзаллигини англаш ва унинг барча нозик ҳаракатлари пластикасини илғаш, асарнинг образлилик рухияти ва услубига сингиб кетишнинг энг қисқа йўлидир. Айнан навони ҳис қилиш орқали дирижёр енгил ва табиий тарзда жамоавий ижод жараёнига сингиб кетади. Дирижёрнинг образли тасаввури кучли бўлиши ҳам жуда муҳим, негаки битта мусиқа турли инсонларда ҳар хил тасаввурларни вужудга келтиради. **Композитор яратган мусиқа ўзида мужассам этган барча нарсаларни қандай қилиб англаш ва тасаввурда тиклаш мумкин?** Мана шунда дирижёрнинг ижодий фантазияси ва унинг образли-шоирона фикрлаш қобилияти қўл келади. Муаллифга ишонган ҳолда унинг кетидан борар экан, ижро этилаётган асар гоясига таяниб, дирижёр ўз тасаввурида унинг моҳиятини тиклайди, уни аниқ образлар орқали кўра олади. **Композитор услугини яхши билиши, муаллиф гоясини англаб етиши,** ниҳоят яхши ва нозик дид, мусиқачини асарга хос бўлмаган моҳиятини тиқиширишдан сақлайди, мусиқий асар талқини табиий ва ҳаққоний бўлишини таъминлайди.

«Ажойиб, юксак даражада иқтидорли, хатто буюк мусиқачи — композитор, пианиночи, скрипкачи ёки бошқа ижрочи бўлиш мумкин-у, истеъдоднинг илғаш қийин бўлган ва фақат айрим мусиқачиларнинг дирижёр

бўла олишига сабаб бўлувчи алоҳида фазилатларга эга бўлмаслик мумкин. Бунга мисоллар талайгина: хусусан, Чайковский, Танеев, Дебюсси, Римский-Корсаков каби бастакорлар, Изай, Венявский, Казане каби ижрочилар ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин-ки, уларнинг **композиторлик ёки ижрочилик маҳоратини дирижёрлик санъати билан таққослаб бўлмаслигини** кўришимиз мумкин. Шу билан бирга Вагнер, Берлиоз, Рахманинов, Малер каби ажойиб композиторлар, Бюлов, Карло Секки каби пианиночилар ўзларида **дирижёрлик қобилияти бўлгани учун моҳир дирижёр бўла олдилар**», — деб ёзган эди Николай Аносов.

Дирижёрнинг вазифаси — оркестрни ўз иродасига бўйсундирган ҳолда барча мусиқачиларнинг мусиқани яқдил ҳис қилишини таъминлаш, уларни бирлаштириб, юзта турли шахсдан ўзининг ҳар бир ҳаракатига қараб иш тутувчи ягона жамоа, организм яратишдан иборат. Бунда қувончли ижод ҳаяжони, ижодкорга хос ва уни санъатга рухлантирувчи кўтаринкиликни асабийликдан фарқлаш жоиз. Зеро ижодий ҳаяжонда доимо ўзини тута билиш, яхши кайфият, ижодга берилиб, шўнғиб кетиш ҳамроҳ бўлса, асабийлик ўзига ишонмаслик, қуюшқондан чиқиб кетиш каби салбий оқибатларга олиб келади.

Ўзини қўлга ола билиш қобилияти, бор маҳоратни ишга солиш, мавжуд билимлардан тўғри фойдаланишнинг биринчи шартидир. Шу боис ижрининг ижодий ҳарорати, яъни унинг артистик темпераменти хусусиятлари ва ундан фойдалана олиш қобилияти мусиқа ижрисига таъсир қилмай қолмайди. Ижро жараёнида ана шу «ижодий ҳарорат чегаралари» жуда аниқ белгиланиши лозим. Ҳаддан зиёд юқори ҳарорат асабийлашувга, бадий пульснинг ноаниқ бўлишига, жуда паст ҳарорат эса ижодий жараённинг жонсизланиб, самарасиз бўлишига олиб келади. Булардан биринчиси ижрини ижодий жиҳатдан ўзини қўлга ола билишдан маҳрум қиласди, иккинчиси эса ҳиссиётларни йўққа чиқаради.

Дирижёрнинг маҳорати ижрони ифодалай билиши, унга муносиб ҳаракат билан силлиқ ўтадиган ва аниқ ауфтакт бера олиши билан боғлиқ. Чолғуларнинг алоҳида гурухлари ёки бутун оркестрга ижро ифодасини кўрсатишдек муҳим яна бир жиҳат мусиқий қурилмалар — эпизод, жумла, турли мелодик чизиқларнинг бошланишини кўрсатишдир. Ижрони англатувчи қўл ҳаракати учун олдин бўладиган ауфтакт каби табиатни жуда аниқ, фаол, ёрқин кўримли бўлиши керак. У бошқа қўл ҳаракатларидан ажралиб туриши лозим.

Замонавий дирижёрлик тили — юз ифодаси ва қўл ҳаракати тили сифатида инсоннинг кўп асрлик тажрибаси билан синалган мулоқот воситасидан фойдаланиб, шаклланган. Қўл ҳаракати ва юз ифодаси тили ҳаммага тушунарли, сермањо ва бойдир. У дарҳол қайтаришувчи эмоционал жавобга сабаб бўлади. Қўл ҳаракатлари катта ҳиссий — образли ифода кучига эга: улар жаҳлдор ёки мулойим, сўрок ёки тасдиқловчи, илтимос қилувчи ёки рад этувчи, даъваткор ёки таклиф қилувчи, кутиб олувчи ёки ҳайратланувчи, огоҳлантирувчи ёки таҳдид қилувчи бўлиши мумкин ва хоказо. Ижро

этилаётган мусиқанинг образли — эмоционал моҳиятига қараб, у ёки бу маъноли ҳаракат танланади.

Мимика — дирижёрнинг образли фирмлаши нақадар ёрқин ва аниқлигини намоён этувчи омилдир. У — маънодор кўл ҳаракатининг доимий ҳамроҳидир. Зеро, кўл ҳаракатига ҳамроҳ бўлган нигоҳ уни руҳлантирибгина қолмай, унинг таъсирини кучайтириб, биринчи навбатда бу ҳаракат мўлжалланганини ҳам билдиради. Агар юз ифодасиз бўлса, хатто энг аниқ ва нозик кўл ҳаракати ҳам керакли бадиий таъсирга эга бўла олмайди. Ҳаттоқи баъзи ҳолларда мимика қўл ҳаракатини ортда қолдириб, асосий маъно касб этади.

«Оҳанг мазмунини олдиндан илғаб, мағзини чақиб, ҳар бир мусиқий чолғунинг товушини яхши тушунишга, қулоғингни уларга хос пардаларни ажрата билишга ўргат», — Роберт Шуманнинг бу ўғитини ҳар бир дирижёр доимо эсда тутиши керак. Нозик, яхши «созланган» тембрал эшитиш қобилияти (тембралний слух) дирижёр касбидаги жуда катта аҳамият касб этади. У дирижёрни ҳар бир ижрочининг ижодий сайи ҳаракатини нафақат улардаги маҳорат ва иқтидордан, балки сознинг муайян имкониятларидан келиб чиқиб аниқ ва тўғри йўналтира билишга қодирлик даражасини кўрсатади. Шуни билиш қобилияти ўта муҳим жиҳатлардан биридир.

Ўз вақтида Шарл Мюониш: «Агар дирижёр ички ҳиссиёт кучига, оркестр аъзолари ва тингловчиларни цехрлаб қўйишга қодир оҳанрабога эга бўлмаса, унда хатто 15 йиллик меҳнат ва ўқиши жараёни ҳам инсоннинг дирижёр бўлишига ёрдам бера олмайди», — дея эътироф этганда мутлақо ҳақ эди.

Дирижёр ижро этилаётган *композитор асарини жуда яхши билиши, нота материалини яхши ёдлаб ва ўрганиб олиши* керак. Бирок, композиторнинг бадиий маслаги ва мақсадларини тушуниб, очиб бериш учун унинг нота ёзуви замирида ётган *туб маънони чуқур англаши* лозим.

Асарни кўз билан ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас, уни ички эшитиш қобилияти билан идрок қилиш, ҳис этиш ва урғу бера билиш керак. «Партитурани ижро этишдан олдин уни ички ҳиссиёт билан ўрганувчи ва оркестр репетицияси бошлангунча тингланадиган нарсани аниқ билувчи дирижёр — жуда чуқур ижодий ҳодисадир. Зеро, бундай дирижёр мусиқани ижодий тафаккур ёки фикр сифатида намоён этади, у дирижёрлик техникасини пухта ўзлаштирган бўлади. Дирижёрлик техникаси эса, моҳияти, ижроилар жамоасига маълум ташқи белгилар орқали ўзининг ниятлари ва мақсадларини етказиш ва уларда ўзиникидек ҳиссиётлар уйғотишдан иборат», — дея таъкидлагандага янгишмаган эди Б. В. Асафев. Пультда турган дирижёрнинг ўзини тутиши, кўл ҳаракати, юз ифодаси, кўз нигоҳининг маънодорлиги, табиийлиги ёки аксинчалик — буларнинг барчаси ижроилар жамоаси томонидан ажойиб сезгирилик ва аниқлик билан қабул қилинади. Буларнинг бариси дирижёрнинг ижроиларга ташқи таъсир воситалари — унинг техникаси ва том маънода чегарасиз бўлган ифода имкониятларини ташкил қиласиди.

1.4. Санъат турларида авангардизм оқимининг пайдо бўлиши


XX асрнинг 1-чорагидан бошлаб жаҳон мусиқа санъати ҳам барча санъатлар қаторида дунё миқёсида бўлаётган сиёсий тортишувлар асносида ўзгаришларга юз тутди. Замонавий мусиқа – авангард мусиқа сифатида босқичма-босқич ривожланиш поғоналарини бошдан кечирди. Янги композиторлик технологиялари, услублари, янги миллий мусиқа мактабларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кузатилди. Натижада, ҳозирги замонда вужудга келган, энди биз биладиган янги гибрит жанрлар, янгича шакл ва услубларда яратилган асарлар мерос бўлиб қолди. XXI асрда ҳам авангард мусиқа йўналишида ижод қилаётган кўплаб янги авлод композиторлар бу ишларни юқори даражада давом эттиришмоқда.

XX ва XXI асрлар мусиқасида шакл ва услублар хилма-хиллиги, услублар плюрализми, мусиқий тил эволюцияси ва унинг шакл ҳосил қилиш механизмига таъсири каби янги тушунчалар ҳам пайдо бўлди...

Бугунги қун мутахассис-ўқитувчисининг кенг дунёқараши, ахборот бойлиги, замонавий мусиқада кечаётган жараёнларни муентазам кузатиши билан, дунё ҳалқларининг маънавий - маданий ҳаётида замонавий мусиқанинг тутган ўрнини тушунган ҳолда фаолият олиб бориши давр талаби бўлиб қолди.

Демак, асосий мақсад - тингловчилар замонавий мусиқани тушуниши, XX аср мусиқасида вужудга келган шакл ва услубларни англаш бўйича билим, кўникум ва малакаларни ривожлантиришdir. XX асрда жаҳон мусиқа санъатида пайдо бўлган - Авангардизм оқимида ёндошган Чет эллар, Ўзбекистон композиторларининг ҳаёти ва ижоди, вужудга келган шакл ва услублар ҳақида билимларга эга бўлиш ва улар ҳақида фикр-мулоҳаза юрита олишимиз лозим. Авангард мусиқа пайдо бўлишига сабабчи бўлган Арнольд Шёнберг номини ҳамма билиши керак.

1.5. Мусиқада “модернизм” тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши.



Арнольд Шёнберг ҳаёти ва ижоди яратган асарлари мисолида, деб гап бошлашимизда маъно бор, албатта. Додекофония - мусиқа яратиш методи Й.Хауэр ва А.Шёнберг изланишларида шаклланди. Арнольд Шёнбергнинг турли даврларда дунёқараши ўзгариб бориши, унинг асарларида ҳам ўз аксини топган. *Мусиқада “модернизм” тушунчасининг пайдо бўлиши, тарихий ва турли инновацион анъаналарнинг вужудга келиши бошқа санъат турлари каби мусиқа санъатида ҳам кузатилди.* Австрия композитори ва дирижёри Густав Малер ва рус композитори Александр Скрябин ижодий изланишларининг Европа ва АҚШ композиторлари ижодига катта таъсир кўрсатди.

XX аср мусиқа санъатидаги оқимларнинг жанр, шакл ва услуга таъсири ҳақида нималарни билишимиз керак... (додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби мусиқий композиция тузиш методлари мавжуд).

Арнольд Шёнберг – додекофония, яъни 12 тонли мусиқа ёки серия, деб номланадиган композиция услубининг классик намунасини яратган композитор эканлигини бутун дунё тан олган. Буни амалий машғулотларда тегишли асарлардан парчалардан билиб оламиз...

1.6. Мусиқа санъатининг анъанавий услуг ва жанрларини инкор этилиши ва турли композиторлик оқимлари.

Авангардизм бу – XX асрнинг 1-чорагида пайдо бўлган замонавий мусиқанинг янги оқими эканлиги барчага маълум бўлиб, XX аср ўрталарида тарақкий топди. Уни тушуниш учун замонавий мусиқа яратган композиторлар: Пендерецкий, Шчедрин, Шнитке ва бошқаларнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш лозим. Мусиқа санъатининг анъанавий услуг ва жанрларини инъкор этиб, XX асрда турли композиторлик оқимлари пайдо бўлди ва жаҳон мусиқасининг классик кўринишлари тубдан ўзгаришига асос бўлди. Бизга яқин ва тушунарли бўлган рус мусиқасида ҳам биринчи ва иккинчи авангард даврлари кузатилди....

Гибрит жанрлар пайдо бўлди. Концерт — симфония, симфония — мақом, виолончел, баян ва камер оркестр учун партита, симфоник оркестр, 4 та электрогитара ва джаз — группа учун концерт каби жанрлар аралашмалари — одатда турли гоялар, маданиятнинг турли хил қатламларининг тўқнашуви сифатида намоён бўлади. Баъзи бир холларда улар жанрлар синтезини яратишади: симфония — мемориал, аралашма (гибрид) ва бу гармоник натижага олиб келади.

Жанрий экспериментлар натижасида стилизация, полистилистика, индивидуал услублар каби тушунчалари пайдо бўлди. Энди шу билдирилган фикрлар билан боғлиқ мусиқа намуналарини амалий машғулотларда тинглаш жоиз.

1.7. Мусиқий авангардизмда - додекофония, сонорика, пуантилизм, алеаторика, минимализм каби мусиқий композиция тузиш методлари.

XXI аср композиторлык (композиторлик) санъатида ҳам атом асри ҳисобланмиш – XX асрда, давр тақозоси билан ўз-ўзидан пайдо бўлган сериявий мусиқа, сонорика, алеаторика, полистилистика, минимализм, постминимализм, постмодернизм, неоклассицизм, электрон мусиқа каби турли мусиқа яратишнинг турли услублари янада ривож топди. Булар айнан композиторлик санъатида замонавий тенденцияларнинг билвосита шаклланишига, классификация қилинишига олиб келди.

Композиторлик ўзининг XX асрдаги эволюцияси жараёнида ҳалқ мусиқасидан тортиб, то электрон мусиқагача тараққий этди. 21-асрда яна қайтиб ҳалқ мусиқасига қайтиш омилларининг вужудга келтирмоқда. Темперацияланган создан қайтиш, ўрта аср мусиқа ладларига қайтиш тенденциясининг юзага келиши ҳам энди-энди кузатилмоқда. Шу билан бирга ҳалқ чолғуларига мурожаат, ҳалқ чолғуларида янги ифода воситаларининг намоён бўлиши замонавий услубларда ижод қилаётган миллий композиторлик мактаблари вакилларига новаторлик ишларини амалга оширишларига туртки бўлмоқда. Янги тембр, янги мусиқий чолғуларнинг кашф этилиши ўз-ўзидан ижодий изланишлар натижасида рӯёбга чиқмоқда.

Чолғулаштириш санъатида ҳам “замонавийnota графикаси” тушунчаси пайдо бўлиб, ҳамма учун тушунарли бўладиган белгилар классификацияси такомиллашяпти. Ўрта аср мусиқа ладларига эҳтиёжнинг ошиши туфайли янги замонавий nota графикасининг вужудга келиши асосли таърифланмоқда. Замонавий мусиқанинг замонавий nota графикасида акс эттирилиши, классик нотография тарафдорлари томонидан ҳам қабул қилиниб, аста-секин ижодий изланишлар амалиётига киритилмоқда. Ифода воситаларини акс эттирувчи белгиларнинг ижодкорлар томонидан индивидуал ҳолда тизимлаштирилиши, ахборот маконида тез суръатларда муҳокамада бўлиб, бошқалар томонидан ҳам ижодий жараёнларга тадбиқ этилмоқда ва янги авлод мусиқачилари томонидан ҳам ўзлаштирилалапти.

1.8. Мусиқий композиция тузиш методлари ва замонавий мусиқа яратган композиторлар: Пендерецкий, Шчедрин, Шнитке ва бошқаларнинг ижоди.

ПЕНДЕРЕЦКИЙ, КШИШТОФ (Penderecki, Krzysztof) 1933 йилда туғилган, польш мусиқий авангардининг ёрқин вакили. Унинг мусиқаси ҳақида қуйидагича таъриф кенг тарқалган: “...музиқаси тонлардан эмас, балки товушлардан ташкил топган”. Пендерецкий ўз одига товуш унсурларини ноананавий йўл билан кенгайтириш ва улар тингловчига эмоционал таъсири га эришишни мақсад қилган. Асарларида кутилмагандан хуштак чалишлар, хайқириқ-бақириқлар, пичирлашлар каби товуш эффектларини қўллай бошлаган. Торли чолғуларга чертиш, ишқалаш кабиларни ҳам усталик билан киритган.

К.Пендерецкийга машхурлик 1966 йилда – Хиросима қурбонларига “Йифи” деб номланган асаридан кейин келди.

ЩЕДРИН, РОДИОН КОНСТАНТИНОВИЧ 1932 йилда туғилған, рус композитори. Ҳам композитор, ҳам пианиночи сифатида тез машхур бўлиб кетди. Театр учун яратган асарлари - балет “Конек-Горбунок” (1960), Кармен-сюита (1967), операси “Не только любовь” (1961) кабилар Москвадаги Катта театрда саҳналаштирилган. Рус фольклор оҳангларига асосланган Фортепиано учун “Озорные частушки” (1963) номли концерти, Балетларидан – “Анна Каренина” (1972), “Чайка” (1980), “Дама с собачкой” (1986), опера “Мертвые души” (1977) янада шухрат чўққисига кўтарилишига сабаб бўлди. Унинг ютуғи мусиқий авангард оқими техникасини усталик, нозик моҳирлик билан асарларига сингдиргани сабаб бўлди. Композитор ўз изланишларини “сўнг-авангард” методи деб таърифлаб, “эклектик” услуб номини беради.

ШНИТКЕ, АЛЬФРЕД ГАРРИЕВИЧ 1934–1998 йилларда яшаб ижод қилган замонавий машхур рус композиторидир. Асарлари орасида опера, балет, симфония, камер ва хор мусиқаси жанрларига мансуб опусларни учратиш мумкин. Театр ва кино учун кўплаб мусиқа ёзган. 1990 йил мунтазам Германияда яшаган.

1.9. Услублар плюрализми.

XX аср иккинчи ярмида жуда кенг тарқалган мусиқий фаолиятнинг тури кўпуслубийлик (полистилистика) ривожланди. Бу - услуб плюрализм вазиятини маданий ҳаётдан бир бадиий асарнинг матнига кўчиришdir. Буюк бурилиш даври албатта янги санъатнинг кўп сонли декларацияларини келтириб чиқарди. Улар ўтмиш билан алоқаларини узганликларини эътироф этдилар. Анъана, канонга бўлган муносабат тескари томонга ўзгариб, бирламчи бўлиб эксперимент олдинга чиқади. Бу жараён XIX асрнинг охирги йилларида бошланиб: символизм, импрессионизм — улар янги санъатнинг бошловчилари эди. Худди шу вақтда «санъатнинг ичини бўшатишдан бош тортиш», «бадиий матндан муаллифнинг интим муаммоларини олиб ташлаш» каби шиорлар олдинга чиқди.

Бадиий фикр ҳодиса ва хиссиётларни тавсифлашнинг хаёлий ёки эпик кўринишларига мурожаат қиласи. Ана шундай заминда ҳам фольклоризм, ҳам неоклассицизмнинг йўналишлари бўлган — необарокко, афсона ижодиёти, урбанизм, фовизм пайдо бўлади.

Мусиқий ёзувдаги бурилиш мусиқий воситалар ифода бўёқларини бошқатдан кўриб чиқиши йўлидан борарди.

Агар мумтоз матн асосини куй ва гармония ташкил этган бўлса, янги мусиқий тилда фактура, тембр, динамика, артикуляция ва агогиканинг роли кучайди. Мелос билан боғлиқ бўлмаган ритмнинг мустақил функцияси ўсиб боради. Бундай қайта кўриб чиқиши ладогармоник янгиликлар асосида бажарилиб, авваламбор, диссонансни бўшатиш (раскрепощать), гармониянинг

ладлар товушқатори 12 тонлигини мажор — минорли марказлашган функционалдан воз кечищдан бошланди. Мумтоз гармониянинг қудратли ташкилий имкониятлари бошқа ташкилий омилларга жой бўшатиб беришга мажбур бўлди. Бунга ёзув техникарни мисол қилиш мумкин. Бу техникарнинг турли хил бўлишларига қарамай, уларнинг кесишиш нуқталари ва текис қутблашиш тизимлари сезилиб туради. Бу техникарнинг ҳаммасида интонацион — мелодик бошланиш ролининг камайишини таъкидлаш лозим. Унинг ўрнига фонизм ёки рационал ташкилотчилик ролининг ўсиши билан тўлдирилди. Ҳамма техникарни қарама — қаршилик кўринишида ифодалаш мумкин: серияйлик — алеаторика, пуантилизм — сонористика, электрон — конкрет мусиқа, алгоритмик — стохастик мусиқа. Вазиятнинг қизиклиги (парадоксальность) шундаки, маълум бир техника тарафдорлари индивидуаллаштиришга интилишиб, аммо индивидуал ягоналика эриша олмадилар. Бу мусиқани ташкил қилиш интонацион-мазмуний қатламини йўқлигидан келиб чиқади. Бутун кейинги мусиқа тарихи бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини излашга, мусиқий ифодавийлик бўёқларини кенгайтиришга олиб келди.

1.10. Мусиқий тил эволюцияси ва унинг шакл, мусиқий образ ҳосил қилиш механизмига таъсири.

Турли хил давларда жанр мусиқа маъносини тушуниш учун йўл бошловчи бўлиб, тингланаётган асарни тўғри тушунишни таъминлаган. Бурилиш, классицизм қонуниятларининг инқирози даврида муаллиф томонидан олдига қўйган вазифаларини конкретлаштириши айниқса, қадрлидир. XX аср мусиқий асарларида жанрларнинг ўзаро алоқаси аҳамиятли равишда кенгайди.

XX аср санъатининг ўзига ҳос томони шундаки, унда бир бутун услубий асоси йўқ. Ижод қилувчи бир усулга асосланиб ўз усули тамойилларини қура олмайди. Шунинг учун мусик.ада новаторлик ёзувининг атоналлик, номавзуилик, номантиқлик каби тавсифлари жуда узоқ сақланиб келди. Бунинг натижасида мусиқий тил эски тизимини янгилашга бўлган харакат кўринмади.

Профессионал ёзувдаги бундай бурилиш тўғридир. Бу фалсафа ва мусиқий эстетикада олам ва санъатни билишнинг мумтоз назарияси ўз имкониятларини тугатди. Романтизм мумтоз логика асослари билан узилмаган ҳолда уни янгилаб, унинг имкониятларини ичидан кенгайтирди. Аммо XIX асрнинг охирига келиб, бу қудратли концепция янги концепцияга йўл бўшатиб беришга мажбур бўлди.

Фикрлашнинг классик — романтик тизимидан воз кечиши бу йўналишларнинг жанрли концепциясидан хам воз кечишига олиб келди. Жанр ҳосил бўлишда аралаш жанр асосий тамойилга айланди. Бунда турли жанрларнинг аралashiши ҳар хил бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши бир — биридан анча фарқ қиласарди. Конкрет жанр белгиларидан воз кечиши сезиларли

бўлиб, уларни жанрли - нейтрал номланишлар билан алмаштирилди, Масалан: «мусиқа»га қўшимча тўлдиришлар ва аниқлашлар киритилди — «... учун мусиқа», «...да мусиқа». Худди шу каби импровизация, каденция тушунчаларини хам келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси дастурли бўлмаган ҳолда асарнинг экспериментли характерини таъкидлайди. Бу ерда эксперимент ижрочилар гурухига, маълум бир усулга янги назар билан қарашда, бирлаштириб бўлмайдиган нарсаларни бирлаштиришда намоён бўлади.

Кўп ҳолларда бундай экспериментлар ўтказиш танланган жанрни усулаштиришда ёки мавжуд жанр билан мунозарада намоён бўлади. Бу хусусда Л.Половкиннинг ижоди қизиқарлидир («24 та постлюдиялар», ноктюрнлар оп. 15 ва б.).

XIX асрда жанрлилик (жанровость) асар матнида ихтибослаш (цитирование) ёки жанрли умумлаштириш сифатида ишлатилган бўлса, XX асрга келиб у янги вазифаларни ўзлаштириди — жанрни соддалаштириш (утрирование), гротеск ва маънони бутунлай тескари равишида ўзгартириш. Тарихий хотира жанри хам пайдо бўлиб, кўп ҳолларда у кўп қатламли, жанрнинг узоқ тарихий ўтмишини очиб берувчи кўринишида эди.

Бутун аср давомида услуг муаммоларининг роли ўсиб борди. Мумтоз-романтик тизимининг универсаллигидан воз кечибт, композиторлар хар бир тажрибаларида товуш натижалари органикаси заруриятига етишиш каби масалага тўқнашиб келдилар. Бу борада услуг категориясининг аҳамияти кучаяди. Яъни иш тамойилини танлаш, касбнинг маълум қонунлари бўйича мусика яратиш хақида гап бораяпти. Бу борада биринчилардан бўлиб ёрқин истеъдод эгаси И.Стравинскийни эслаш керак. Стравинский хар доим ўз касбининг устаси бўлишни ёклаб, хис — туйғуларни кейинроққа сурарди. Бу ўз бадиий мақсадлари билан фарқланувчи қўргина композиторларнинг иш услуги эди; Прокофьев, Шёнберг, Веберн, Пуленк ва бошқалар.

Ана шундай ижодий асосда услублар плюрализми ва услублаштириш юзага келди, у эса бегона, кўп ҳолларда жуда тескари, узоқ услублар моделлари билан ишлаш, «мусиқа яратиш» эди. Бунда албатта тарихий диалог: ўзимники — бегонанини бўлиши лозим эди. Бундан ташқари бундай услублаштиришга тил ва жанр ҳам қўшиларди.

Матнда услублар тўқнашуви аниқ бир драматургик ғоя бор вақтдагина бадиий мазмунга эга бўлиши мумкин, акс ҳолда бу бемаъно эклектикага олиб келади. Кўпслубийлик одатда «услуб ёрдамида умумлаштириш»нинг тимсолий воситасига айланади. Кўпслубийлик мусиқий асар мазмуни ҳақидаги тасаввурларни ўзгартиради: мусиқа, унинг тарихи, мусиқийликнинг қадр — қиммати ва мусиқийликнинг турли хил кўринишларининг бемаънолиги мазмунга баҳолаш ва культурологик кўриниш беради (Шнитке).

Услуб билан ишлашнинг навбатдаги босқичи - карама-қаршилик эмас, балки — турли хил жанрларни қўшишдан иборатdir. Улар аниқ бўлмаган хиссиётларни уйғотади, рамзиликни (символика) матнга киритиб, унга

маъноли хажм кўринишини беради (мисол – Д. Шостакович ижодининг охирги йиллари, Д. Лигети ижоди).

1.11.Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси. Композитор ва фольклор

Ўзбекистон композиторлари – Тўлқин Қурбонов, Феликс Янов-Яновский, Мустафо Бафоев, Мирҳалил Махмудов, Аваз Мансуров, Дмитрий Янов-Яновский, А.Ким ва бошқалар ижодида авангард мусиқанинг шакл ва услубларидан унумли фойдаланилганини кузатишимиз мумкин.

Хурматли тингловчилар, ҳозир мусиқашунос олим Ахмед Хамидович Жабборовнинг “Ўзбекистон композиторлари ва мусиқашунослари” деб номланган китобдан юқорида номлари келтирилган Ўзбекистон композиторларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи саҳифаларни ўқиймиз... (китобнинг зарур саҳифалари ўқилади, шу билан бирга Ўзбекистон композиторлари ижоди лўнда таърифларган “Тарқатма материал № 9” билан танишилади). Ўзбекистон композиторлари ҳам ўзларининг айрим асарларида авангард оқимиға ёндошганликлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашамиз... (намуна сифатида амалий машғулотларнинг бирида композитор Аваз Мансуровнинг “Мозийдан садо” поэма-фантазияси партитураси билан яқиндан таниширилади, ҳар бир тингловчи ўзи вароқлаб кўради). Ўзбекистон композиторлари мусиқий композициянинг замонавий услубларидан фойдаланганликлари билан бирга миллийликка катта ва жиддий эътибор қаратиб қалам тебратганлиги сезилиб турибди (фикрлар аниқ асарлар мисолида уқтирилади).

Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси ҳақида жуда кўп фикр ва мулоҳазалар ўз пайтида билдирилган. Турли Симпозиумлар, фестиваллар, конференцияларда мусиқа илми олимлари асосли таҳлиллар билан чиқишлиар қилишганлиги барчамизга маълум. Ўзбекистонда замонавий мусиқа пайдо бўлиши, ривожланиши, тенденцияларни ёритиб берган олимларимизнинг бир талай монографиялари, дарслик ва ўқув қўлланмалари. Мақолалар тўпламлари чоп этилган (Композитор ва фольклор; Шарқ ва Ғарб мусиқасининг интеграцияси мавзуларига бағишлиланган манбалар билан тингловчилар таниширилади...).

Ўзбекистон композиторлари:

Тўлқин ҚУРБОНОВ – 1936-2002 йилларда яшаб ижод қилган, мусиқа санъатининг турли жанрларида кўплаб асарлар яратган композитордир. Замонавий мусиқа шакл ва услубларидан фойдаланиб ёзган бир талай асарлари орасида – “Мусиқа”, дамли ва зарбли чолғулар ансамбли учун (1978), “Речитатив”, труба, валторна, тромбон ва литавралар учун (1984) деб номланганлари Халқаро фестиваллар концерт дастурларида ижро этилиб, миллийликка йўғрилган, замонавий мусиқий тил билан ёзилган ижод намунаси сифатида олқишлиарга сазовор бўлган.

Феликс ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ – 1934 йил 28 май куни таваллуд топган, мусиқа санъатининг барча жанрларида баракали ижод қилаётган, сермаҳсуллиги билан ҳаммага ўрнак бўлаётган композитор. Барча асарларида замонавий оҳанг ва услуб уфуриб турганини эшитувчи дарҳол англаб олади. Айниқса, авангард мусиқа техникасига асосланиб ёзган – “Будет ласковый дождь” мультфильмига мусиқа (режиссёр Н.Тўлаходжаев, 1984), “Вельд” кинофильмига мусиқа (режиссёр Н.Тўлаходжаев, 1987), “ЕCHO”, кларнет, фагот, корнет а-пистон, скрипка, виолончель ва зарбли чолғулар учун (1999) каби, ва яна қўплаб асарлари халқаро миқёсда эътироф этилган.

Мустафо БАФОЕВ – 1946 йил 10 ноябрда туғилган, бугунги кунда яшаб ижод қилаётган, ўзининг турли жанрларда яратган асарлари билан элу юрт оғзига тушган, чет элларда ҳам ижод намуналари ижро этилаётган, олқишиларга сазовор бўлаётган, ўзининг оригинал мусиқий оҳангига, услубига эга композитордир. Унинг юзлаб асарлари орасида замонавий мусиқа шакл ва услубларига таяниб ёзган бир талай асарлари бор, “Буюк ипак йўли” балет-томошаси (А.Шарипова либреттоси, 1996), “Бухорача концерт”, виолончель ва миллий чолғулар учун (1999) каби опусларини ҳам суюб тинглаш мумкин.

Мирҳалил МАҲМУДОВ – 1947 йил 2 январь куни туғилган, мусиқанинг турли жанрларида, айниқса кино мусиқасида қўплаб асарлар яратадиган, асарлари билан номи улуғланган композитордир. Жуда ёшлигидан замонавий мусиқий тилни, услубни асарларига, айниқса симфоник мусиқага киритган илғор ижодкордир. 1972 йилда яратган “Наво” симфонияси катта миқёсда шов-шув бўлишига ҳам замонавий услубларга таяниб ижод қилгани бўлган, деб ишонч билан таъкидлаш мумкин.

Аваз МАНСУРОВ – 1957 йил 2 ноября туғилган, мусиқа санъатининг барча жанрларида ижод қилаётган, айниқса болалар қўшиқлари ўз пайтида унга шуҳрат келтирган композитордир. Унинг бир қатор асарлари чет элларда ҳам ижро этилиб, мусиқа шинавандаларининг олқишиларига сазовор бўлган. “Шарқ афсонаси” бир актли балети (1983), “Мозийдан садо” поэма-фантазияси (2001) каби бир нечта асарлари авангард мусиқа, яъни замонавий мусиқа услубларига таяниб яратилган. “Мозийдан садо” асосида кинорежиссёр Э.Давыдов мусиқали фильм ҳам олган (“Ўзбектелефильм”, 2005).

Дмитрий ЯНОВ-ЯНОВСКИЙ – 1963 йил 24 апрелда туғилган, мусиқа санъатининг турли жанрларида ижод қилаётган композитор, айниқса театр ва кино мусиқаси, камер-чолғу ва вокал мусиқаси унинг асарлари орасида асосий ўрин тутади. Ўзбекистонда турли йилларда бўлиб ўтган “Илхом – XX” замонавий мусиқаси фестивалларининг ташкилотчисидир. У ўз ижоди билан қўплаб бугунги ёш композиторларни орқасидан эргаштира олди. Барча асарлари замонавий услубда яратилган. Унинг номи чет элларда ҳам машҳур.

1.12. Шарқ ва Гарб мусиқасининг интеграцияси. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари

XX аср — бу Европача бўлмаган миллий маданиятлар композиторлик ижод йўлларининг бошланиш асридир. Миллий ёзув меъёларини ишлаб чиқища янги миллий композиторлик мактаблари ўз бадий тажрибаларигагина эмас, балки бошқа халқларнинг композиция санъати соҳасида эришган ютукларига хам таянадилар. Бунда улар ўз рухлари ва миллий мусиқий маданиятлари интонацион рухига яқин бўлганларини танлаб оладилар. Бундай мактабларнинг ҳар бири композиция тили меъёларини, гармония, полифония қонунларини, уларнинг миллий мусиқанинг ўзига хослигига қўра модификацияларини ўзлаштиришдан тортиб, то турли жанрларда ёзилган тўла қонли ва ривожланган асарларни яратишгacha бўлган йўлни босиб ўтадилар. Бу яратилган асарларда миллий, ўзига хос мавзуййлик ўз табиатига хос бўлган ривожланишга эга бўлиб, у мантиқли ва мазмунан ишонарли композиция кўринишини олгандир. Ва нихоят, тўпланган тажриба асосида миллий усулнинг индивидуал кўринишлари шаклланади. Бу босқичларнинг ҳаммасида мустақил маданиятларнинг ихтиёрий шаклдаги диалоглари бўлиши мумкин: уларнинг қўшилиши, синтезидан то усулларнинг диалоги ёки полилогигача ва жанрдан четга чиқмаган ҳолдан то олдига кўйилган мақсад таъсирида умумлаштириш ва трансформациягача.

Миллий маданиятдан четга чиқканда ҳам Европача бўлмаган тажрибадан фойдаланиш чегараланмагандир. Хусусан бу ҳол Европа мусиқасини миллий колоритни бошқатдан ташкил этмаган холда мусиқий тил бўёқларининг кенгайиши ва янгиланишига олиб келди (О.Мессиан, джазнинг гармонияга таъсири, Г.Канчеллининг медитатив симфонизми).

Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

Европада биринчилардан бўлиб бу касбни маълум дирижёрлик қобилиятига эга бўлган *ижрочи-музиқачилар ёки композиторлар* маҳорат чўққисига олиб чиқдилар. Бу ўринда *Люлли, Глюк, Моцарт, Менделсон, Шпор, Вебер, Рихард Штраус, Вагнер, Берлиоз, Ф. Лист, Г. Малер ва бошқалар* номларини санаб ўтиш мумкин. Номлари келтирилган дирижёрларнинг барчаси бу касб билан ўзларининг бошқа мутахассисликлари — композиция, скрипка чалиш ва хоказо билан бир вақтда, параллел равишда шуғулланганлар.

Россия ва Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмуни бошқа мактаблардан фарқланиб туради. Санъат — бу инсонга хос шундай фаолият турики, унинг воситасида бир инсон ўз бошидан кечираётган ҳиссиётларни ташки белгилар орқали бошқаларга етказади, улар эса бу ҳиссиётни ўз қалбларига кўчирадилар, дилдан хис этадилар». Бу эътироф дирижёрлик санъатига бевосита таалкуклидир. Бунда дирижёрнинг эмоционал таъсир кучи, унинг бошқаларга ҳиссиётларни етказа билиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Аввало у ўз ҳиссиёти билан оркестрни ром этиши, сўнг эса у билан бирга тингловчиларни сеҳрлаб қўйиши даркор. Айнан эмоционал таъсир кўрсата олиш хусусияти кўп жиҳатдан дирижёрнинг истеъдоди, унинг артистлик маҳорати ва иши сифатини белгилайди. Бошқаларга ўз ҳиссиётини етказа билиш қобилияти дирижёр ижодининг

мустақиллиги, қолаверса — илхом белгисидир. Том маңнодаги илхом — бу эмоционал самимийлик, чүкүр интеллект, санъаткорона темперамент, идрок, эркинлик ва интизом, ўзини бошқариш, юксак маҳорат, ва ниҳоят бу ҳақиқий ёрқин истеъдод ҳамда ақлий меҳнат демакдир. Шу ўринда ажойиб дирижёр А. М. Пазовскийнинг «Дирижёр қайдлари» китобидан Артур Тосканини ҳақидағи қуйидаги мұлоҳазаларни келтириш жоиз:

«Шахсан менинг фикримча, Артуро Тосканини замонамиз дирижёрлик санъатининг энг юксак чўққисига эришган инсондир. Унинг даҳолиги, улкан ирода кучи, романтик инсонга хос индивидуаллик ва ҳиссиётчанлиги, муаллиф матнини ёрқин ва ўзига хос тарзда ўқий билиши, ўзининг артистлик қобилиятыни композитор шахсияти ва мусиқаси билан уйғунлаштира олиши, бу мусиқанинг образлилигини янада чукурлаштириб, унинг шаклини камол топтиришдан иборатдир».

Шу боис дирижёрнинг ўзи аввало мусиқий асарнинг ғоя ва моҳиятини чүкүр англаши, шундан сўнггина уни оркестрга етказиб, мусиқачилар унинг мақсадларини амалга оширишларига эришиши лозим. Дирижёр партитурадаги унсиз нота белгиларига ҳаёт ато этиши лозим. Бунда у мусиқани тўғри талқин этиши зарур. Ўз ишини яхши билмайдиган ёки истеъдодсиз дирижёр томошабин олдида ҳаттоки энг ажойиб мусиқий асарни ҳам барбод қилиши мумкин. Айниқса, асар янги, хали кўпчиликка нотаниш асар бўлса. Шунинг учун янги асарни ижро этишда дирижёр жуда эҳтиёт бўлиши керак. Чунки уни аввал эшитмаган тингловчи дирижёр хатоларини бастакорники деб ўйлаши мумкин.

Албатта, ҳар қандай энг маҳоратли, юксак иқтидор соҳиби бўлган дирижёр ҳам ёмон мусиқани яхши қилолмайди. Бироқ мусиқий асарнинг ноёб томонларини очиб бериш, ёки муаллиф ғоясини бузиб кўрсатган ҳолда, бундай ҳусусиятларни яшириш — факат дирижёрга боғлиқ. Шу боис Римский-Корсаковнинг «Дирижёрлик — қоронғу иш» деган ибораси қайсиdir маңнода шу кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган. Гарчи ўша пайтлардаёқ Римский-Корсаковга жавобан, Ипполитов-Иванов «Бу иш факат дирижёрлик техникаси асослари билан таниш бўлмаганларгагина «Қоронғу эканлигини» айтган бўлсада, бундай асосларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш иши тўлиқ якунланган дейиши қийин. Барча мусиқачилар каби, дирижёр ҳам мусиқанинг элементар назариясини, солфеджио, гармония, полифония, мусиқий асарлар таҳлилини яхши билиши керак. Шунингдек у инсон овози ҳақида умумий маълумотларга эга бўлиши, чолғушунослиқ, мусиқа тарихи, эстетика ва бошқа керакли соҳалардан боҳабар бўлмоғи лозим. Дирижёр оркестр ёки хорга нисбатан раҳбар, ўқитувчи, инструктор бўлишини ҳам унутмаслиги керак. Бу мезонлар дирижёр ҳоҳ ёш, ҳоҳ қари, тажрибали ёки ўз фаолиятини энди бошлаётган бўлсин — барчасига баробар тегишилдири. Албатта, дирижёрлик тажрибасини амалий фаолиятсиз тўплаб бўлмайди. Бироқ, бу фаолиятдан олдин, яъни бошловчи дирижёр оркестр ёки хор қаршисида туриш хуқукини қўлга киритгунча қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Бунинг учун энди фаолият бошлаётган дирижёр алоҳида қобилиятга эга бўлиши керак, бу — ўта

муҳимдир. Бундан ташқари у яхши мусиқачи бўлиши, яъни мусиқий маданият ва билимга эга бўлиши лозим. Мусиқа садоларини яхши илғаш, ритм ва темп ҳисси, мусиқий шакл ва услубни тушуниш қобилияти, мусиқий дид, меёр ҳисси, мусиқий хотира, темперамент ва тасаввур каби ижрочи-мусиқачиларга хос хусусиятлардан ташқари дирижёр яна бир қатор алоҳида жиҳатларга ҳам эга бўлиши даркор. Бу аввало қўлларнинг мақсадга мувофиқ ва оҳиста ҳаракатлари ҳамда шунга яраша юз ифодаси ёрдамида оркестр ёки хор аъзоларига мусиқий асарнинг моҳиятини етказа олишдир. Бунда дирижёр ўзини назорат қила билиши, ҳар қандай вазиятда тезкор ва ифодали бўлиши лозим. Буларнинг бари дирижёрга мусиқа асарларини тингловчи олдида ижро этилаётган пайтда юзага келиши мумкин бўлган оғир вазиятлардан муваффақият билан чиқиб кетиши учун керак бўлади. Дирижёрда ташаббускорлик, қатъиятлилик, интизомлилик, ташкилотчилик истеъоди уйғунлашган бўлиб, шу билан бирга жамоага нисбатан ҳушмуомалалик, осойишталик ва чуқур ҳис эта билиш қуввати намоён бўлиши керак. Оркестр ёки хор билан яхши ишлаш учун дирижёр зийрак ва оқил педагог-тарбиячи бўлиши лозим. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, мардлик, ҳалоллик ва принципиаллик каби хусусиятларсиз, ҳақиқий дирижёрни тасаввур қилиб бўлмайди.

Репетицияларда дирижёр оркестрни у ёки бу мусиқий асарни ижро этишга тайёрлайди. Бунда ҳар бир оркестр ёки хор жамоаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ҳисобга олиш зарур. Шу боис дирижёр олдида турган вазифалар кўп бўлади-ю, унга ажратилган вақт эса кам бўлади. Қисқа вақт ичida оркестрга керак бўлган ҳамма нарсага улгuriш лозим. Бироқ, дирижёрнинг ўзи ҳам репетицияга мухтоҷ-ку, айниқса агар оркестр билан янги мусиқий асарни биринчи бор машқ қилаётган бўлса. Агар дирижёр фақат оркестр учун қайғуриб ўзи устида ишлаш ҳақида унтиб қўйса, яъни ўзини назорат қилишдан тўхтаса бу унинг хатосидир. Агар дирижёр ўзи ҳақидагина ўйлаб, оркестрни ташлаб қўйса, ундан-да нотўғри йўл тутган бўлади. Борди-ю, дирижёр оркестр ҳақида ўйламаса, ўзининг дирижёrlиги ҳақида унтиб қўйса ва фақат шундай бўлиши кераклиги учунгина, мажбуран ишласа ёки хотирасини синаш мақсадида ёддан дирижёрлик қилиб, ўз ҳаракатларининг «гўзаллиги»га маҳлиёлик туйғуси билан яшаса бундан ёмони бўлмайди.

Назорат саволлари:

1. Композиторлик санъатининг ривожланиш тарихи қайси даврлардан бошланади?.
2. Ижодий изланиш жараёнлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Мусиқа санъатида “Авангардизм” оқимининг пайдо бўлишига сабаблар нима?
4. XX аср мусиқасига хос жанрлар, шакл ва услублар хусусида гапириб беринг.
5. Мусиқада гибрит жанр деганда нимани тушунасиз?
6. Замонавий мусиқий композиция методларини санаб ўтинг.

7. Дирижёр инглиз тилида қандай маънони англатади?
8. Ганс Рихтер қайси йилларда яшаб ўтган?
9. Дирижёрнинг вазифаси нималардан иборат?
10. Роберт Шуман дирижёрга қандай таъриф айтиб ўтган?
11. Дирижёрнинг образли фирмлаши нақадар ёрқин ва аниқлигини намоён этувчи омил - қандай ҳаракат?
12. Европа мамлакатларида дирижёрлар тайёрлаш тизими қандай йўлга кўйилган?
13. Россия профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмунни нималардан иборат?
14. Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмунни?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.
2. Габитова А. Минимализм в музыке Т., 2007.
3. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.
4. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
5. Demaree, Robert W., Jr., and Don V Moses. The complete Conductor. Englewood Cliffs, N.J.: Prentice hall, 2005
6. Elizabeth A.H. Green. The Modern Conductor. Prentice hall, upper Saddle, New Jersey. 2004.
7. The Techniques Orchestral Conducting by Ilya Musin. (Translated by Oleg Proskurnya), Edwin Mellen Press Ltd, 2014, USA
8. Неймер В.–Психология дирижирования, Т., 2010
9. Тошматов Э. Дирижёрлик фанидан дарслик, “Мусиқа” нашриёти. 2005,
10. Хакназаров З. – О дирижировании, Т., изд-во “Musiqa”, 2011.
11. Тошматов Э. Дирижёрлик (ўқув қўлланма), “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2008.

2-мавзу: Санъат турларида авангардизм оқимининг пайдо бўлиши.

Режа:

1. Вокал санъатида стилистик йўналишлар ва улар хусусида хорижий адабиётлар (таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари).
2. Миллий ва замонавий куйлаш услублари.
3. Вокал ижрочилигига бадиҳавийлик (импровизация) техникаси. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Таянч иборалар: Вокал санъати, астилистик йўналиш, куйлаш услублари, бадиҳавийлик, фраза, оҳанг, аккомпанемент, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги, ўн икки мақом, шашмақом, бел канто, опера, речитатив, жаз, эстрада, свинг, бинниги, гуллиги, ишками, бадиҳавийлик, импровизация

2.1. Вокал санъатида стилистик йўналишлар.

Вокал мусиқа санъатининг З та йўналиши тарихидан. Вокал санъатида стилистик йўналишлар кўп асрлар мобайнида, ер юзининг турли қитъаларида босқичма-босқич шаклланган. Хусусан, Осиё мамлакатларида халқ қўшиқчилиги, Европада черков вокал айтимлари, Африка, Австралия, Америка мамлакатларида куйлаш санъати ўзгача ўзига хослик билан ривож топган.

Ўзбекистон мисолида қуйлаш санъати тарихини кузатадиган бўлсак, касбий мусиқа сифатида илк шаклланиш даври - Кушон подшолиги даври мусиқага оид ашёвий манбаларида ўз аксини топган. Касбий мусиқа намуналарини яратишда халқ мусиқаси муҳим замин ва манба эканлиги олимлар томонидан эътироф этилган. Касбий мусиқанинг оғзаки услубда яшаш анъанаси ва ривож топиши барчага маълум.

Ўн икки мақом ва Шашмақом. Мақомларнинг қадими тарихи ўзаро фарқли икки йириқ даврга ажralган. Биринчи давр - мазмунини мақомларнинг макон-замон нуқтаси назаридан дастлабки куй-оҳанг қатламлари ташкил этган. Мақомларнинг иккинчи муҳим даври - мақом тизимларининг шаклланиш жараёни бўлганлигидир. Айни пайтда уларнинг касбий мусиқа қатламининг маълум босқичи, шунингдек, ривожланган мусиқа илми, фалсафа, математика фанлари ҳамда шаҳар (сарой) маданий муҳити каби омиллар билан шартланганлиги ҳам асослидир. Аллома Абу Наср Форобийнинг бу борадаги буюк хизматлари унинг мусиқага оид рисолаларида ўз аксини топган. Ўн икки мақом тизими Урмавий ва Шерозийларнинг мусиқа илмига оид асарларида

ёритилган. Мароғий, Жомий, Ҳусайнний, Кавкабий ва Чангий каби амалиётчи ва назариётчи олимлар ҳам қўп изланишлар қилишган. Ўн икки мақом мажмуасига мансуб мақомлар, овоза ва шўъбалар бугунги кунгача сақлаб келинмоқда.

Шашмақом турқуми - Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ жеб номланган бўлимлардан иборат. Шашмақом Ўн икки мақом тизимининг миллий (маҳаллий) мусиқий макон шарт-шароитларида ривожлантирилиши натижасида XVIII аср ўрталайдан узил-кесил шаклланган. Унда композиторлик санъати анъаналари илмий жиҳатдан муайян тизимга солиниб, тасниф этилган. Шашмақом – олти мукаммал парда ва уларга мос куй ва ашулалар мажмуасидир. Унинг таркибидаги мақомларнинг ҳар бири йирик шаклдаги туркумли асарлардан иборат. Бу мақомлар оғзаки анъана тарзида, яъни устоздан шогирдга «оғзаки услуб» воситасида ўтиб, бизнинг даврга қадар етиб келган. Улар **Мушкилот (чолғу) ва Наср (ашула) бўлимларидан иборат**.

Наср бўлими. Шашмақомнинг ашула бўлимлари мураккаб шаклдаги шўъбалардан таркиб топган. Ашула бўлимларида тузилиши жиҳатидан бирбиридан ажralиб турувчи икки хил шўъбалар гурухининг мавжуд. Булардан биринчисига - Сарахбор, Талқин, Наср каби шўъбалар ва Уфар қисми киради. Шўъбаларнинг мураккаб шаклий тузилмалари мавжуд. Намудлар уларнинг шўъба авжларида келади. Шашмақомнинг II гурӯҳ шўъбалари ўзига хосdir. Уларнинг Шашмақом туркумida нисбатан кеч шаклланганлиги ва уларда назирагўйлик анъанасининг ўзига хос акс этган. Савт ва Мўғулча номли шўъбаларнинг етакчилиги ҳамда ҳар бирининг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар номли шохобчаларидан иборат. Ушбу шохобчаларнинг юзага келишида асосий шўъбаларнинг куй-оҳанглари сақланиб, уларда доира усулларининг ўзгариб боради.

Мақом ижроилиги анъаналари. Мақом чолғу ва ашула йўлларининг тингловчига тўғри етиб боришида ижроилик санъатининг аҳамияти катта, албатта. Созанда ва ҳофиз маҳсус малакага эга бўлиши, бунинг учун «устоз-шогирд» мактабида таҳсил кўрган бўлиши лозим. Мақомларни ижро этишда икки чолғу – танбур ва доиранинг ўрни мухимдир. Мақомларни турли таркибдан иборат ансамбл шаклларида ижро этиш анъанаси мавжуд. Мақомларнинг туркум шаклида ижро этилиши азалдан шаклланган.

Хоразм мақомлари. Хоразм мақомлари Шашмақом шаклидадир. Шашмақом Хоразм шароитига мосланиб, катта ўзгаришларга учраган. Хоразмлик машҳур бастакорлар - Ниёзжон Ҳўжа, Феруз. Комил Хоразмий, Муҳаммадрасул Мирзо ва бошқалар мақомларга янги чолғу қисмлари басталаганлар. XIX асрда Хоразм мақомларининг Комил Хоразмий ихтиро қилган «Танбур чизиги» воситасида ёзиб олинган. XX асрнинг 50- ва 80-

йилларида Матниёз Юсупов томонидан беш чизиқли нота ёзувларига олиниб, нашр эттирилган.

Хоразм мақомларининг «айтим йўллари». Хоразм мақомларининг ашула бўлими «айтим йўли» дейилади. Ашула бўлимнинг тузилиши, таркиби ўзига хос. Шашмақом туркуми билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳам бор. Хоразм мақомларининг машхур ижрочилари. Хоразм мақомларининг бизга маълум бўлган маҳоратли ижрочилари бир неча авлоддан иборатлиги. XIX аср бошларида Комил Хоразмий, XIX аср иккинчи ярми-XX аср бошларида Комил Хоразмийнинг шогирдлари фаолияти.

Фарғона-Тошкент мақом йўллари. Бу турдаги мақомлар Бухоро ва Хоразм мақомларидан фарқли ўлароқ яхлит бир туркумни ташкил этмай, балки алоҳида-алоҳида чолғу ва ашула йўлларидан иборатдир. Хусусан, Баёт, Дугоҳ Ҳусайн, Чоргоҳ, Гулёр-Шаҳноз, Сегоҳ ва Насруллои кабилар ташкил топган. Фарғона-Тошкент мақом йўллари таркибида бир қисмли намуналардан, беш-етти қисмгача бўлган туркум асарларнинг мавжудлигини эҳтироф этиш мумкин.

Фарғона-Тошкент мақом ашула йўллари. Фарғона-Тошкент мақом йўлларида «Фарғона -Тошкент мусиқа услуби»га хос бўлган - ялла, ашула, ва катта ашула жанрларининг хусусиятлари намоён бўлади. Ашула йўллари мумтоз шеърият асосида «ўқилиши» тадқитот қилинган, уларни ижро этганлар таникли ижрочиларнинг номлари машхур . Ёввойи мақом. Фарғона-Тошкент мақом йўлларини катта ашула йўлига мослаб айтиш амалиёти мавжуд. Ёввойи мақом ибораси «усулсиз мақом» ўрнида ҳам ишлатилади.

Опера санъатида, замонавий миллий қўшиқчиликда янги услубларнинг шаклланиш босқичлари.

Хорижий давлатларда вокал мактаблар. Вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва саҳна маданияти. Кадрлар тайёрлаш бўйича илфор хорижий тажрибалар. Вокал ижрочилигида замонавий техник воситалар. Халқаро хонандалар танловлари ва фестиваллар. Хонандалиқда маҳаллий услублар

Вокал санъатида стилистик йўналишлар академик ижрочилик йўлида ҳам шаклланган. Ғарбий Европа, Франция, Немис, Рус, Ўзбекистон вокал санъати ўз тарихига эга.

Ғарбий Европа вокал санъати тарихи. Ғарбий Европа вокал санъатининг тарихи Италиялик миллий вокал мактаби. Илк опера муаллифлари. XVI-XVIII асрларда Италиядаги флоренциялик, неаполетан, венециан опера ва вокал мактаблари. XV-XXасрларда итальян вокал педагогикаси. А.Скарлатти - Bel canto асосчиси. Ж.Вердининг ижоди-миллий опера мактабининг чўққиси. Буюк хонандалар: В.Аркили, Ж.Рубини,

Ж.Паста, А.Патти, Ф.Таманьо, М.Каллас, Р.Тебальди, Марио дель Монако ва бошқалар.

Франция вокал санъати тарихи. Француз миллий вокал мактабининг тузилиши ва ривожланиши. Ж.Люлли лирик трагедияларнинг яратувчиси. Операда речитатив ўрни. Х.Глюкнинг опера реформаси. Унинг қўшиқчиларга талаблари. Катта француз операсининг шаклланиши асослари. Ф.Обер, Д.Мейербер-янги жанр яратувчилари. Француз вокал педагогикаси. Француз опера ижроилари: А.Нурри, Ж.Дюпре, М.Малибран, П.Виардо.

Немис миллий вокал мактаби. Немис опера яратилиши ва унинг ривожланиши. Г.Шютц - биринчи немис опера бастакори. Гамбург операси, Реалистик опера драматургия яратилишида В.Моцарт ижодининг аҳамияти. К.М.Вебер ижодида немис миллий операсининг тасдиqlаниши. Немис вокал педагогикасининг асосчиси; педагогика ривожланиши. Немис буюк опера хонандалари: А.Ланге, И.Хофер, И.Шиконедер, А.Годлиб.

Рус вокал санъати тарихи. Рус операсининг яратилиши ва ривожланиши. Миллий опера театри яратилишининг муҳим асослари. М.Глинка-композитор, педагог, ижрочи, рус опера ва вокал мактабларининг илк асосчиси. Глинка операларини саҳнага қўйилиши ва рус опера қўшиқчиларини ўсишида уларнинг аҳамияти. О.Петров, А.Воробъёва-Петрова, М.Степанова, С.Гулак-Артемовский-Глинка операларининг илк ижроилари. Камер-вокал жанрида Даргомижский ижодининг аҳамияти. П.Чайковский ва Могучая кучка бастакорларининг опера ва вокал ижоди. С.Мамонтов режиссёр-новатор ва унинг опера театрининг роли. Петербург ва Москвада консерваториялар очилиши. Биринчи устозлар: Г.Ниссен-Соломан, И.Прянишников, А.Додонов, У.Мазетти. Рус вокал педагогикасининг ривожланиши. Буюк рус опера хонандалари: Н.Фигнер, Ф.Шаляпин, Л.Собинов, А.Нежданова, В.Барсова, И.Архипова, Е.Образцова, Т.Милашкина, В.Атлантов ва бошқалар.

Ўзбекистон вокал санъати тарихи. Ўзбек операси ташкил этишининг асослари. Ўзбек опера ва вокал санъатининг ривожланиши. Миллий вокал маъданияти. Шошмақом-миллий профессионал санъати ёдгорлиги. М.Қори-Ёқубов ва Тамара Хоним ижоди. М.Ашрафий ва С.Василенконинг илк «Бўрон» ўзбек операси. К.Зокиров, Х.Насирова, М.Муллажанов, М.Қори-Ёқубов шу операнинг биринчи ижроилари. А.Навоий номидаги давлат театри курилиши (1947). Рус ва ўзбек бастакорлари операларининг ўзбек тилида саҳнага қўйилиши. Ўзбек опеар ижроиларининг вокал маҳорати тикланишида уларнинг аҳамияти. Ўзбек операси тараққиётида ва унинг пропагандасида С.Юдаковнинг Майсарапининг иши спектаклиниң аҳамияти. М.Ашрафий-атоқли бастакор, дирижёр, жамоа арбоби. Ўзбек опера санъатида

унинг ижодининг аҳамияти. «Дилором» операси. С.Қобурова, С.Ярашев, К.Зокиров- шу операнинг илк ижрочилари. Самарқандда (1964-1991) опера театрининг мавжудлиги. Ўзбек операси ривожланишида театрнинг аҳамияти. Мустақиллик даври мобайнида М.Бурхоновнинг Алишер Навоий, А.Икромовнинг Буюк Темур, М.Бафоевнинг Ал-Фарғоний ва бошқа операларнинг яратилиши.

Вокал санъатида стилистик йўналишлар эстрада-жаз ижрочилик йўлида ҳам шаклланган. “Жаз” ва “эстрада” атамасига доир тушунчалар ҳозирги даврда барча маълум. Ғарбий, Марказий, Жанубий Африка халқлари мусиқа маданияти, Африка хабашлари меҳнат ва маросим мусиқаси, XVI-XVIII асрлар Шимолий ва Жанубий Америка мусиқа маданияти, XIX аср АҚШ архаик (қадими) ижодиёти асосида жаз услуби шаклланди.

Жаз мусиқасининг фольклор асослари. Жаз мусиқасининг фольклор асосланган. Мумтоз (классик) жаз мусиқаси ривожининг асосий тамойиллари ва услублари мавжуд. Янги Орлеан жаз услуби, Чикаго жаз услуби. Свинг жаз услуби эндиликда ҳаммага маълум.

Жаз намояндалари. Мумтоз (классик) жаз мусиқасининг ҳам таниқли намояндалари етишиб чиқди. Замонавий (модерн) жаз мусиқаси услуг ва йўналишлари ҳам шаклланди. Модерн жаз мусиқаси таниқли намояндалари номлари эндиликда мусиқа тарихи сахифаларидан муносиб ўрин эгаллади.

2.2. Миллий ва замонавий куйлаш услублари.

Ўзбек анъанавий ашула ижрочилиги. Ўзбек анъанавий ашула ижрочилигида уч хил усул мавжуд. Бинниги, гуллиги, ишками атамаларининг маънолари ва таърифлари шу хил куйлаш усуllibарини белгилайди. Бинниги ва гуллиги усулида айтадиган ижрочилар, ишками услубида ижро этадиган ашулачилар номлари элу юрга таниш. Ишкамнинг ханақойи гумбазли тури ва унинг таърифи тадқиқотдар обьекти бўлган.

Машхур хонандаларнинг қисқача ижодий фаолияти. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Ота Жалол Носир ўғли 1845-1928 йилларда ижодий фаолият олиб борган. Унга Устози Куллий деб ном берилган. Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов 1852-1936 йилларда яшаб ижод қилиб, хонанда, созанда, бастакор сифатида машҳур бўлган. У хонандаликни асосан дутор жўрлигида амалга оширган. Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов 1868-1943 йилларда яшаб, Фарғона-Тошкент йўлларининг машҳур ижрочиси ҳисобланган. Қурбонниёз Авазматов 1868-1961 йилларда, Абдулла Файзуллаев 1869-1944 йилларда, Леви Бобохонов 1873-1926 йилларда ўз

ижодий фаолиятини олиб борганлар ва санъатимиз ривожига беқиёс хизмат қилғанлар.

Янги давр мақом ижрочилиги анъаналари. Бугунги кунда Ўзбекисонда мақомотнинг уч тури – Бухоро мақомлари, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларига доир ижрочилик анъаналарининг маданий меросимиздан бирдай ўрин эгаллаган. Ю.Ражабий ва Ф.Содиқовларнинг бадиий анъаналари ижодий давом эттирилаяпти. Хоразм мақомларига хос қўхна бадиий анъаналар Хоразм вилоятининг Ҳожихон Болтаев номидаги мақом ансамбли томонидан қайта тикланмоқда. Шунингдек, Фарғона-Тошкент мақом ижро йўлларига доир анъаналар ансамбллар фаолиятида давом эттирилмоқда. Мақом ижрочилигининг Республика танловлари ноёб мусиқий маданий меросимиз кейинги авлодларга ўтиб боришига катта туртки бўлмоқда.

Жазнинг жаҳон маданиятидаги ўрни. Жаз - жаҳон мусиқа маданияти кесимида алоҳида ўринга эга катта аҳамиёт касб этмоқда. Россияда жаз мусиқасининг шаклланиш босқичлари кузатилди ва XX аср иккинчи ярмида эстрада – жаз мусиқаси юксакларга кўтарилди.

Ўзбекистонда жаз мусиқаси. Жаз Ўзбекистон мусиқа маданияти кесимида ҳам бугунги кунда ўз муҳлисларига эга. Ўзбек композиторлари ижодида симфожаз услуби пайдо бўлганлигини мусиқашунлс-олимлар кейинги даврларда эътироф этишмоқда. XX аср иккинчи ярмида жаз ва оммавий мусиқа ижобий ва айрим ҳолларда салбий таъсир кучи сифатида ҳам тортишувларга сабаб бўлмоқда. “Оммавий маданият”нинг бир қўриниши сифатида ёшлар тарбиясига кўрсатаётган таъсири ОАВларида тез-тез эътироф этилмоқда.

Жаз ва Рокнинг ижтимоий ҳаётга таъсири. XX аср АҚШ ижтимоий – қўшиқ фольклорида сиёсий қўшиқ жанри сифатида шаклланиб, XX аср иккинчи ярмида ёшлар ҳаракати ва ижтимоий-норозилик қўшиқлари яратилишига туртки бўлди. XX аср мусиқа маданиятида эстрада мусиқаси, Рок йўналишининг шаклланиши ва ривожи асосан профессионал композиторлар ижодида намоён бўлмоқда. Рок мусиқаси услугуб ва йўналишларининг тавсифи энциклопедиялар саҳифасидан ҳам ўрин олган.

Ўзбек мусиқа маданиятида оммавий жанрлар. Композиторларимизнинг оммавий жанрларда яратоётган асарлари “оммавий маданият” намуналарига қарши қўйилиб, ёшларни келакка, порлоқ ҳаётга ишонч руҳида тарбияламоқда. XX аср бошларида, аниқроғи 1920-30 йилларда ўзбек мусиқа маданиятининг бир йўнилиши сифатида ўзбек қўшиқчилик санъати тез суръатларда ривожланди. 1920-40 йиллар ўзбек қўшиқчилик санъати, 1940-50 йиллар ўзбек қўшиқчилик санъати янги-янги ижод

намуналари билан алоҳида-алоҳида халқимиз қулоғига сингди. Бунда машҳур Эстрада-симфоник оркестрининг фаолияти катта эътирофга сазовордир. Ботир Зокиров ўзбек эстрада мусиқа мактаби асосчиси сифатида тан олинди. Ўзбек кўшиқчилик санъатида симфожазга асосланган профессионал асарлар яратилди. 1960-1980 йиллар эстрада хонандалари ижоди янгича ижро услубларига қараб бурилди. Бунда аранжировка санъатининг таъсири катта бўлди. Эстрада кўшиқи ўзбек композиторлари ижодидан муносиб шрин олди. 1980-йилларда “Ялла” каби вокал-чоғу ансамбллари пайдо бўлди. 1990-2016 йилларда ўзбек эстрада мусиқаси ўзбек эстрада мусиқаси шоу-бизнес тизимида ҳам ўз шрнига эга бўлди.

Ўзбекистонда академик вокал ижрочилиги. Ўзбекистонда академик хонандалик таълими шаклланди, вокал педагогикасининг ривожланиши дунёга машҳур бўлганини катта сахналарга чиқаётган ёш авлод вакиллари маҳоратида кўриниб турибди, албатта. Ўзбекистоннинг буюк опера хонандалари: М.Қори-Ёқубов, Х.Носирова, Н.Ахмедова, С.Қобулова, С.Ярашев, А.Азимов, Н.Хошимов, Қ.Муҳитдиновлар санъат мактабларини бугунги кунда М.Раззоқова, Н.Султонов, А.Ражабов, Р.Усмонов кабилар давом эттироқдалар.

2.3. Вокал ижрочилигига бадиҳавийлик (импровизация) техникаси. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари.

Вокал ижрочилигига бадиҳавийлик (импровизация) техникаси йиллар давомида чолғу ижрочилигига азалдан мавжуд услугга тақлид сифатида намоён бўлди. Импровизациянинг академик ва джаз йўналишларида кўпроқ учратиш мумкин. Жаз импровизациясида усулнинг аҳамияти катта. Жаз усуллари ва унинг ўзига хос тарафлари профессионал даражада импровизация қила олишга туртки бўлади. Аккордларнинг харф рақам белгилари (катта ва кичик учтовушликлар, мажор ва минор септаккордлар, ортирилган ва камайтирилган аккордлар ва нонаккордлар), альтерация белгилари - аккорд товушларини ярим тон кўтариш ёки тушириш белгилари ҳисобланиб, импровизацияни ёқимли амалга оширишга кўмак беради. Мелодик йўналишлар - жаз импровизациясида арпеджио йўналишининг ролини янада оширади. Ёрдамчи ва ўткинчи товушлар, диатоник ва хроматик ёрдамчи товушлар импровизация қилишда жозиба касб этади. Блюз, классик блюз шакли, куйи, ўзига хос хусусиятлари, унинг лади ва гаммаси классик унсурларда ўзгачадир. Блюз гармониясининг хусусиятлари, блюз гаммаси ва унинг хусусиятлари барча маданиятларга мос келади. Жаз йўналишлари - жаз импровизациясида

оҳанг ривожланишининг аҳамиятини, секвенциялар ва уларнинг импровизациядаги ўрнини оширади.

XX - XXI асрларга келиб, композиторлик ижодида классицизм давридан сўнг мусиқа йўналишларининг сони янада ортиб бормоқда. Бундай янги йўналишларда чолғулаштириш принциплари, партитурани тузиш, янгича белгилар билан безатиш (оформление партитуры) принциплари, ҳамда микрохроматика товушқаторларида (в.х) басталанган асарларни нотага аниқ тушириш жиддий муаммо даражасига кела бошлади. Айнан шу каби муаммоларни максимал даражада аниқ ечимини топиш мақсади композиторларни янгича нота графикалар яратишга ундади. Экспериментлар натижасида, изланувчан композиторлар ижодида янгича нота графикаси кўринишлари кенг тарқала бошлади. Шундай нота графикалардан учтаси ушбу қўлланмага киритилган.

Юқорида санаб ўтилган чет эл муаллифларининг учта нота графикаси янгича мусиқий тилга асосланган ғояларни акс эттирувчи асарлар учун маҳсус яратилган. Ёш композиторлар учун бундай янгиликларнинг аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир композитор мақсади - нота графикасининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда асар басталаш эмас, балки аксинча, асарнинг ғоясидан келиб чиққан ҳолда ўйлаб режалаштирилган ўз ғоясини аниқ акс этувчи нота графикаси яратиши лозимлигидадир.

“Прогрессив нотация” нота графикаси эса ўзбек мусиқачилари Артём Ким ва камина – қўлланма муаллифи томонидан яратилган. Бу нота графикаси асосан микрохроматика қўлланилган халқ миллий мусиқаларини ва унда қўлланилладиган нақшларнинг товуш ҳамда ритмини имкон қадар аниқ ноталаштиришга мўлжалланган. Миллий куйларни ижро этувчи хонанда ва созандаларнинг ижро намуналарини (қолаверса, нақшларни ҳамда товушқаторларни) аниқ нотага олиш мушкул ва бугунгача долзарб муаммолигида қолмоқда. Дунё мусиқачилари бу муаммонинг ечимини топиш учун доимий изланишлар олиб боришимоқда. Лекин ҳозирги кунгача уларнинг барчаси қуидаги услугга таянадилар: куйнинг контурини классик нота графикасига тахминан олиб, нақшларни эса бирорта белгилар ёрдамида ифодалашдир. Зоро. бу белгиларга назарий тушунтириш берилса-да, улар нақшнинг товуш баландлиги, ритмик ҳолати ва айниқса, куйнинг товушқаторини аниқ тасвирлаб бера олмаслиги барчамизга маълум. Натижада, назарий тушунтиришларга эга бўлган белгилар амалиётда ўз самарасини кўрсатмаяпти. Афсуски, натижада ижро чиқариларнинг ижро услубини хатто илмий ўрганиш, деярли барча мусиқачилар орасида фақатгина оғзаки фикр-мулоҳазалар билан кифояланиб қолинмоқда. Биз прогрессив нотация нота графикасини ишлаб чиқар эканмиз, ушбу нотация ижронинг контурини,

товушқаторини, нақшлардаги ритмик ва товушбаландликларини имкон қадар аник акс этиши керак эканлигини кўзладик. Биз Бу нота графикаси ёрдамида ижро чиларнинг ижро хусусиятлари, айнан нота ёзуви янгича нота кўринишлари ёрдамида аник акс эттиришимиз мумкин бўлади. Қолаверса, ушбу нота ёзуви бизга алоҳида куйнинг товушқаторини, алоҳида контурини ва алоҳида нақшларини ўрганишга имкон беради. Бунинг ёрдамида эса ижро чиларимизнинг фақатгина ижро хусусиятларидаги фарқларни ёки ўхшаш томонларни эмас, хатто ўзбек миллий ижро чиларининг озарбайжон, турк, хинд ёки эрон (в.х) ижро чиларини нотага олиб, уларнинг ижросидаги ўхшашликлари ва фарқларини ҳам ўрганишимиз мумкин. Бу каби ўрганишлар эса бошқа миллатлар миллий мусиқалари ҳақида ахборотга эга бўлишимизни ҳам таъминлаб беради, деган умиддамиз.

Қўлланмага киритилган партитура намуналарини ўқиши ва чолғулаштириш принципларининг ёритилиши консерватория талаба-композиторлари ҳамда мусиқашунослари учун мўлжалланган. Қўлланмада Прогрессив нотация нота графикасининг ўқилиш, чалиш принциплари “Мухаммаси Ушшоқ” (Рост мақоми) куйи намунаси асосида баён этилди. Юқорида зикр этилган барча нота графикалари “Omnibus” ансамбли томонидан маҳаллий ва хорижий концерт дастурларида ижро этилган бўлиб, ансамблнинг машқ жараёнларида биз тадқиқотчи-изланувчилар томондан мукаммал ўзлаштирилди. Ушбу партитуралардаги мелодик йўл, тембр, ўлчов кабиларни ва чолғулаштириш принципларини аник ўқилиши ва таҳлил қилинишига яқиндан ёрдам берган хорижий мусиқачиларга, яъни композитор Питер Адрианц (АҚШ), контрабасчи Дарио Кальдероне (Италия), кларнетчи Мишель Маранг (Голландия) ҳамда Тошкентдаги “Omnibus” ансамбли мусиқачиларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этаман.

Фикримизни АҚШ композитори Питер Адриаанцнинг “Fraction” асарида давом этамиз.

Fraction

Peter Adriaansz

Sines

Wind

Click Track

Tempo

El. Guit. (hard plectrum)

Pitch (tuning pegs)

Percussion (Cimbalom, Chang etc.)

I

III

Pitch II (tuning pegs)

Click Track

Tempo

Piano

I

III

Pitch II (tuning pegs)

change ca. every 20° (10°/30°/50° etc.) (tuning width changes per 200°)

order of change is: 1) clicktrack changes > 2) twist tuning peg (ie tune) > 3) acc/rall

Periodic Entries enter regularly every ca. 10°

MM 90 MM 86 MM 82 MM 78 MM 75 MM 72 MM 69 MM 66 MM 63 MM 60 MM 57 MM 55 MM 53 MM 51

1:2 4:7 3:5 2:3 5:7 3:4 2:3 4:7 3:5 2:3 5:7 3:4 8:9

90 rall... 20 rall... 40 rall... 60 rall... 80 rall... 100 rall... 125 rall... 150 rall... 175 rall... 200 rall... 225 rall... 250 rall... 275 rall... 300 rall...

change ca. every 15° (0°/15°/30°/45° etc.) (pitch center changes per 150°)

MM 27 MM 30 MM 33 MM 36 MM 39 MM 42

(10:9) (11:10) (12:11) (13:12)

change ca. every 25° (string changes every 250°)

1/2 (ca. 2' 05") (ca. 3' 10") (ca. 4' 10") (tune to unison) 2

= + ca. 1/3 (in 33.3c)

1 + c.33.3c + c.33.3c + c.66.6c + c.66.6c + c.100c + c.100c + c.33.3c

MM 90 MM 87 MM 84 MM 82 MM 80 MM 78 MM 76 MM 74.5 MM 73 MM 71.5


Piano

Pianist strum strings with flexible, plastic plectrum; fall towards dampers (up-arrow; sound increases) acc. towards nut (down-arrow; sound decreases)

1 + c.10c + c.20c + c.20c + c.30c + c.30c + c.40c + c.40c + c.50c

ca. 3' 20"

change ca. every 20° (10°/30°/50° etc.) (tuning width changes per 200°)




Питер Адриаанцнинг “Fraction” асари камер ансамбли учун басталанган асардир. Асарда муаллиф мусиқанинг янги қиррасини тингловчиларга намоён этишга уринган, яъни ҳар бир чолғудан биттадан уттагача товуш олиб, уларни ҳар бир товушнинг пастга ва юқорига тебраниш имкониятини ҳамда ансамбл вақтида товушларнинг тебранишлари жараёнида рўёбга чиқадиган турли тезлиқдаги тебранишларни ва уларнинг рангларини кўрсатмоқчи бўлган.

Асарнинг қизиқарли томони шундаки, бу асар бамисоли битта товуш баландлигининг ичидаги сиру асрорлари ҳақида. Тебраниш давомида эса ҳар бир товуш турли центларни, турли центлар эса ўз вақтида тебранишларнинг турли ритмик ва темп ўзгаришларини ўз ичига қамраб олгандир. Бундай партитура муаллифнинг фикрини яққол намоён эта олиш даражасида бўлиши керак, албатта. Ахир бир товуш баландлигини, центларини, ритмик ва темп ўзгаришларини назорат остига олиш учун классик нота графикаси айни пайтда энг қулай нота графика эмаслиги аниқ бир ҳолат. Айнан шундай янги мусиқий ғоя муаллифни албатта, янгича чолғулаштириш ва янгича партитура яратишга ундайди.

“Fraction” партитурасини ижро этиш учун ҳар бир ижрочининг (ёғочли дамлидан ташқари) қулоғига аудио қулоқчинлар (наушниклар) тақилиши лозим. Саҳнада ижроиларга қаратиб монитор (ёки компьютер) ўрнатилиши ва бу мониторда секундомер юриб туриши шарт. Ушбу асарда айнан монитор ижроиларга дирижёр функциясини ўтаб бергувчи воситадир. Қолаверса, муаллифнинг талабига биноан ижро вақтида ҳар бир ижрочининг олдида товуш баландлик центларини аниқ кўрсатиб турадиган тюнер бўлиши шарт.

Партитура тузилиши ва чолғулаштириш принципларини таҳлил қилас эканмиз, ундаги айрим белгиларга эътиборимизни қаратишимииз лозим:



Партитурада “0” дан “10” гача бўлган рақамларнинг ҳар бири алоҳида доира шакли ичига киритилганини ва уларнинг тагидаги қалин такт чизигини кўрояпмиз. Бу доиралар ичидаги рақамлар асарнинг дақиқаларини билдиради, яъни ҳар бир такт тахминан бир дақиқа давом этиши керак. Ушбу рақамлар ва тактлар барча ижроиларга тегишлидир. Тактлар ичida эса иккитадан узуқ-юлуқ (пунктир) чизиқли тактлар ҳам мавжуд. Тактнинг ичидаги биринчи пунктир чизиқли такт тахминан тактнинг 20-чи сониясини, иккин-чиси эса тахминан 40-чи сониясини кўрсатиб турибди. Ижро вақтида саҳна-даги мониторга секундомер ўрнатилади ва ушбу монитордан ижроилар ҳар сония ва дақиқаларни кузатишлари мумкин бўлади.


Ижроилар:

Асар тўрт нафар ижрочига мўлжалланган бўлиб, улар ёғочли дамли, электрогитара, цимбалон (ёки чанг) ва фортепиано учундир.

Ёгочли дамли чолғунинг партияси

Асарнинг иловасида муаллиф ёғочли дамли чолғу асбоби пастки диапазонга эга бўлган ва юқори тесситурадаги товушлари яхши жаранглайдиган чолғу асбобини назарда тутган бўлиб, тахминан бас кларнет, тенор саксофон ёки шунга ўхшаш чолғуларни қўллашни тавсия этган.

Партиурани таҳлил қилишни ёғочли дамли чолғу асбоби учун белгиланган қатордан бошлаймиз:



Кўриб турганимиздек, ушбу партиянинг қатори учта чизикдан ташкил топган. Ҳар бир чизикда эса қўшимча белгилардан ташқари биттадан нота баландлиги ҳам жойлашган. Улар ре, ре-диез ва ми ноталаридир.

Партитурани “0”-чи сониясидан “1”-чи дақиқасигача күриб чиқамиз. Ушбу лавҳада ре нотаси иштирок этаяпти. Ре нотасидан ташқари, қўшимча товуш баландликлар ва уларнинг тагига ёзилган рақамлар ҳам мавжуд. Демак, аввало ре нотасини ижро этиш лозимлигини аниқладик. Аммо ре нотасидан сўнг қўрсатилган қўшимча товуш баландликлар нимани англатади? Улар ре нотасининг ичидаги центлардир: $00; 00; +15c; 00; -15c$; Бу центларни қандай қилиб аниқлаш мумкин?

Центларнинг “00” баландлиги учинчи пастки чизиқча устидан бошланади, яни учинчи пастки чизиқча устида турган белги “00” цент эканлигини билдирияпти, яни 


Хар бир чизиқча эса 10 центга теглашади. Табиийки, “+ 15” цент биринчи чизик остида белгиланади, яъни:

$+15c$

 В.Х.

Шунинг учун ҳам биринчи ва иккинчи цент кўрсатгичлари “00” центга тенглантирилса, учинчи цент кўрсатгичи “+15” центни кўрсатяпти. Демак, тахминан 26 – 30 сониялардан бошлаб ре нотаси “+15” цент кўтарилиган ҳолда ижро этилиши лозим ва тахминан 40-чи сонияга бориб у “00” центга қайтиши кераклиги ифодалаган.

Центлар бир-бирлари билан чизиқлар ёрдамида қўйидагича уланган:




Бу чизиқлар бамисоли глиссандо вазифасини ўтаяпти, яъни ре нотаси кутилмаганда “00” центдан “+15” центга ва яна “00” центга тушмайди, аксинча, тахминан 20-чи сониялардан бошлаб, ижрочи товуш баландлигини глиссандо ёрдамида аста секин кўтара бошлаб, тахминан 30-чи сонияда “+15” цент баландлигига этишиши керак. “+15” центдан яна орқага глиссандо, яъни “00” центга қайтиб тушиши ва тахминан 52-55 сонияларда “-15” центгача глиссандо ёрдами билан тушиш лозим эканлиги ифодаланган.

Ре нотаси асарнинг “00” сониясидан (асарнинг бошидан) бошланиб, тахминан 3:20 қадар кўрсатилган тартибда центларга ўтиши давом этилади. Иловада таъкидланганидек, ижрочида ижро вақтида тюнер бўлиши шарт. Айнан тюнер ёрдамида ижрочи ижро давомидаги центларни назорат остига олади. Демак, ре нотаси 3:20 давомийлигида дамли чолғу ижрочиси томонидан узлуксиз, яъни бир нафасда чалиниши керакми, деган савол туғилади. Албатта йўқ. Иловада айтилишича, ижрочи ҳар бир олинган атакани тахминан 10 сония давомийлигида ижро этиб, сўнг кейинги атакага ўтиш олдидан керакли миқдорда нафас олиши учун пауза қўллаши мумкин. Масалан, 10-чи сониягача ижрочи нотани чалади, тахминан 10-чи сониядан 14-чи сонияга қадар пауза тутиб, 15-чи сониядан яна ижросини давом эттириши мумкин. Яна бир муҳим томони шундаки, партитурада кўрсатилганидек, ҳар бир атака фортедан бошланиб диминуэндога кетиши керак. Буни композитор биринчи тектда кўрсатган. Диминуэндо белгиси центларнинг рақами остида кўрсатилган, яъни:


$\frac{00}{>}$

Ижрочи центларни аниқ ижро этиши шарт эмас, балки тахминан шу кўрсатилган центларнинг атрофларида, яъни танланган айнан бир товушнинг баландлиги тебраниб туришини кўрсатиши керакдир. Шу йўсинда ре нотаси асарнинг 3:20 вақт кўрсатгичигача турли хил цент баландликларида ижро этилиб ўтилиши керак. Асарнинг 3:20 –чи дақиқасидан бошлаб, ижрочи редиез билан худди шундай операция ўтказиши ва тахминан 5:20–чи дақиқасидан ми нотаси, 7:40–чи дақиқасидан эса яна ре диез нотасига ўтиши ва барча центларни кўрсатилган тартибда ижро этиб, товушнинг тебранишини ижрода ифодалаши лозим.

Электрогитара чолғуунинг партияси




Кўриб турганимиздек, ушбу партиянинг қатори ҳам учта чизикдан ташкил топган. Бу чизикларда муаллиф қўйидагиларни кўрсатиб ўтган: метроном ёрдамида аввалдан ўрнатилган темплар, гитара чолғусининг тор ҳаракати, центлар, дақиқа ва сониялар. Шу билан бирга албатта тўрт хил нота товуши ҳам тасвирланган: улар ре, ре-диез, ми ва фа ноталари. Ижрочи бу партияни ижро этар экан, юқорида таъкидганимиздек ижро вақтида айрим муҳим воситалардан фойланиши лозим. Булар: наушниклар (аудио кулоқчинлар), тюнер ва саҳнадаги монитор. Партиянинг биринчи қаторида “Click Tracks” кўрсатилган.



Агар асарнинг биринчи дақиқасини (биринчи тактини) таҳлил қилсак, куйидаги темпларни кўришимиз мумкин: ММ 90; ММ 86; ММ 82; ММ 78; Асарни ижро этишдан аввал муаллиф компютер ёрдамида юқорида кўрсатилган темпларни керакли тартибда жойлашириб, уларни аввалдан ёзиб олади. Айнан шу аввалдан ёзиб олинган темплар наушниклар ёрдамида ижроининг қулоқларига ижро вақтида “клик” товуши ёрдамида юборилади. Демак, ижрочи ўз партиясини ижро этишни бошлар экан, қулоғидаги наушник ММ 90 темпида “клик” товушини бериб туради. Тактнинг тахминан ўн саккизинчи сониясигача “клик” товуши ММ 90 дан ММ 86 га секинлашиш жараёнини; ўттиз еттинчи сониясигача “клик” товуши ММ 86дан ММ 78 га секинлашиши ва қирқ саккизинчи сониясигача “клик” товуши ММ 78 гача секинлашиш жараёнини ижроининг қулоқларига юборади. Айнан шу йўсинда асарнинг барча темплари ижро вақтида ижроига “клик” товуши ёрдами билан қулоқларга юборилади ва улар шу “клик” товушлари билан биргаликда керакли ноталарни партияда кўрсатилган темпларда ижро этади.

Нимага айрим темплар рамкага олинган ва тагига рақамлар ёзилган?

Партиянинг иккинчи, “Tempo” қаторида муаллиф атакаларнинг характеристерини ва уларнинг вақт билан бўлган муносабатини ифодалаган:




Кўриб турганимиздек, ижроининг ҳар бир атаккаси форте динамикасида ҳамда акцент билан ижро этилиши лозим. Шуни унутмаслигимиз керакки, “Tempo” қаторининг бошида ноталар эмас, балки айнан атакалар ифодаланган. Партиянинг биринчи дақиқасини (биринчи тактини) таҳлил қиласиз...

Ҳар бир атаккалар ММ 90 темпидағи “клик” билан бирга форте динамикаси ва акцент билан ижро этиляпти. Ўз навбатида атаккалар чизиқчаси аста-секин пастга йўналтирилмоқда. Бу пастга йўналтирилаётган чизиқ темпнинг пасаётганидан хабар бермоқда. Шунинг учун ҳам атаккалар чизиқчаси ҳар бир янги ММ темпи берилган жойда “Click Track” қатори билан умумий штил ёрдами билан бирлаширилган, яъни, ММ 90 темпида атаккалар берилган, ММ 86 да атаккалар аввалги атаккаларга қараганда пастроқ

жойлашган, ММ 82 да яна пастроқ, ММ 78 эса яна пастроқ в.х. Қисқаси, ҳар бир атаккалар “клик” товуши билан бирга ижро этилиши, “клик” товуши эса күрсатилған темпларга ўтиб бориши ва натижада атаккаларнинг темпи ҳам секинлашишини муаллиф ушбу бамисоли глиссандо чизигида ифодалаган. “Tempo” чизигининг тагида кичик қилиб ёзилған ракамлар (20; 40 в.х.) сониялардир. Сонияларнинг тагида эса қулоқчадаги “клик” темпининг 90дан 86га ўтиш жараёнини ва айнан йигирманчи сонияга келиб ММ 86га ўтганини, ММ 86дан ММ 82га ўтиш жараёни ҳамда ММ 82 га айнан қирқинчи сонияда ўтганлигини күрсатяпти.

Партияning учинчи қаторида юқорида қайд этиб ўтганимиздек. түртта нота ва уларнинг центлари ифодаланган:



Муаллифнинг ғоясига қараганда, электрогитаранинг “G” тори “D” нотасига туширилиб созланади. Асар давомида ижрочи учинчи торнинг созини тахминан ҳар ўн беш сонияда қулоқча ёрдами билан аста-секин кўтаради. Асарнинг якунига қадар ушбу созланиш “G” нотасигача олиб чиқилади. Айнан шу ғояни муаллиф партиянинг учинчи торида ифодалаган. Очиқ тор - ре нотасига созланган ҳолатида ижро бошланади. Тахминан ўттизинчи сонияларда ре тори “+20” центгача кўтарилади ва иккинчи тактнинг бошида “+ 40” центга кўтарилиши күрсатилған. Ана шу йўсинда ре тори 2:30-чи дақиқасида ре диез нотасига, 4:50-чи дақиқасида ми нотасига, 7:30-чи дақиқасида фа нотасига ва 9:50-чи дақиқасида эса ми нотасига созланишини ифодалаган.

Демак, электрогитара ижрочиси чолғунинг учинчи торини (“G”) соғ кварта (“D”) пастга созлаб, ана шу очиқ торда бутун асарни ижро этиши лозим. Асар давомида ре нотасига созланган очиқ тор чолғунинг созлаш қулоқчалари ёрдамида ре-диез (100 цент), ми (200 цент), фа (300 цент) ва яна ми (200 цент) ноталарига созланади. Асарнинг бошида электрогитара фортепиано билан синхрон бир хил темпда, яъни ММ 90да ижро этишни бошлайди. Асарнинг

якунида эса фортепиано ва чанг чолғулари билан синхрон ММ 60 темпига ўтар экан, уларнинг атаккаси унисон бўлиб жаранг-лайди.

Муаллифнинг иловада ижро ижро вақтида қаттиқ плектор билан ижро этиши ва ҳар бир атакканинг характеристи худди гитаранинг тори узилган овозини тасвирлаши лозим.

Чанг чолғусининг партияси

Бу партия ҳам жуда қизиқарли тузилган. Ижро ижро вақтида наушниклар, тюнер, созвуччи калит ва саҳнадаги монитордан фойдаланади. Ижро вақтида чангчининг чап қўлида битта палочка ва ўнг қўлида созвуччи калит бўлиши лозим.

Бизга маълумки, чанг чолғусининг ҳар бир нотаси учун уттадан тортортилади. Ушбу асар давомида муаллиф фақат битта ре нотасини қўллаб, унинг ҳар бир тори учун алоҳида функция яратган. Бу функцияларни биз таҳлил давомида ўрганамиз:

Click Track

Tempo

Percussion (Cimbalom/Chang etc.)

Pitch II (tuning pegs)

III

Change ca. every 25° (string changes every 250°)

Measure 0': MM 27, acc, tempo f.

Measure 1': MM 30, acc, tempo (9:8).

Measure 2': MM 33, acc, tempo (10:9).

Measure 3': MM 36, acc, tempo (11:10).

Measure 4': MM 39, acc, tempo (12:11).

Measure 5': MM 42, acc, tempo (13:12).

Measure 6': MM 45, acc, tempo (14:13).

Measure 7': MM 48, acc, tempo (15:14).

Measure 8': MM 51, acc, tempo (16:15).

Measure 9': MM 54, acc, tempo (17:16).

Measure 10': MM 57, acc, tempo (18:17).

Measure 11': MM 60, acc, tempo (19:18).

Measure 12': MM 60, acc, tempo (20:19).


Measure 13': MM 60, gradually sync into rhythmic unison.

Tempo markings: change ca. every 25° (string changes every 250°), (ca. 2.05°), (ca. 3.10°), (ca. 4.10°), (tune to unison).

Tuning pegs: +c.33.3c, +c.66.6c, +c.100c, -c.100c, +c.200c.

Чанг партиясининг қатори олтита чизиқдан иборат: click track, темп кўрсатгич, товуш баландликлари ва нотанинг ҳар бир торига алоҳида қаторлардир. Click track ва темп кўрсатгич қаторда тўхталиб ўтишимиз шарт эмас, сабаби бу икки қаторларнинг ишлаш принциплари худди электрогитара чолғусининг партиясидаги биринчи ва иккинчи қаторлари кабидир. Чанг партиясининг учинчи чизигида ре нотаси ёзилган. Нота тагига

= + c.a.1/3 (i.e. 33.3c) деб белгиланган. Бу ёзув чанг торларининг чизиқларидаги “+” белгиси билан кўрсатилган жойида торнинг аввалги ҳолатидан 33.3 центга кўтарилиган бўлишини англатади, яъни:




чангчи ре нотасини қулоғидаги “клиқ” товуши ёрдами билан керакли темпда ижро этар экан, тахминан 24-чи сониясиغا қадар нотанинг биринчи торини “33.3” центга кўтарилишини англатади. Худди шундай жараён ре нотасининг иккинчи ва учинчи торлари билан ҳам бўлиб ўтиши кўрсатилган, яъни иккинчи тори тахминан 55чи сонияларда ва учинчи тори 1:09га қадар “33.3” центга кўтарилиши зарур. 2:05 да иккинчи ва учинчи торлар “66.6” центга кўтарилиган ҳамда биринчи тор “33.3” центда қолгани албатта соф ре нотасидан чиқиб кетганимизни билдиради. Айнан шунинг учун 2:05да партиясининг учинчи чизигида ре ва ми бемол нотаси ёзилган. Сабаби, чангчи палочка ёрдамида ре нотасини ижро этар экан, у ре нотаси учун боғланган учта торни чалади. Демак, биринчи тори “33.3”, иккинчи ва учинчи торлари “66.6” центга кўтарилиган торлар ре ва ми бемолга яқин жаранглайди. Тахминан 2:55дан бошлаб биринчи тор, 3:10 дан иккинчиси ва учинчиси 3:50 ларда учинчи тор “100” центгача тортилиш жараёни бошланади. Натижада 4:10га етиб, ре нотасининг уччала тори энди соф ре диезга нотасига созла-нади, яъни ре нотаси тўлиқ ре диезга нотасига созланди. Шунинг учун қўрса-тилган вақтда партиясининг учинчи чизиги факат ре диез нотасини қўрса-тятти. Партиясининг иккинчи ва учинчи чизиқлари орасида муаллиф тор-ларнинг ҳар 250чи сонияда “100” центга кўтарилишини қуидагича таъ-кидлаб ўтган: change ca. every 25” (string changes every 250”)

Ана шу тарзда ре диез нотасига созланган ре торлари партитурада белгиланган вақтдан бошлаб яна құтарилиши бошланади. Ре диез нотасига созланган ре торлари, құтарилиши натижасида энди ми нотасига созлангани муаллиф асарнинг 8:20 дақықасида, учинчи чизикә фақат ми нотаси ифодаланган. Сүнги бир дақықа 20 сония давомида биринчи тор ва иккинчи торлар “33.3” центга созланиб (құтарилиши ва тушурилиши) яна қайтиб ми нотасига созла-ниши күрсатилған.

Фортепиано чолғусининг партияси

Ушбу партияни таҳлил қылар эканмиз, у чанг партиясига жуда үхшаш эканлигини күрамиз:




Күриб турганимиздек, фортепиано чолғусининг партиясида күрсатилған учинчи, түртінчи ва бешинчи чизиқлар чанг партиясининг түртінчи, бешинчи ва олтинчи чизиқлари күриниши билан бир хилдир. Айнан шунинг учун ҳам фортепиано партиясининг охирги учта чизиғини яна алоҳида, аникроғи

чцқрроқ таҳлил қилмасак ҳам бўлади. Фортепиано партиясидаги ҳар бир торда ижрочи эгилувчан плектр ёрдамида ижро этар экан, битта торни ижро этаётганда қолган торлар чалиниб кетмаслиги учун маҳсус мослама билан уларнинг садосини тўсиб қўйиш муҳимлиги ҳақида муаллиф изоҳда маълумот берган. Демак, фортепиано партиясини ижро этиш учун ижрочига наушниклар, тюнер, созловчи калит, саҳнадаги монитордан ташқари торларнинг садосини тўсадиган маҳсус мослама ҳам керак. Кўриб турганимиздек, асар давомида фортепианонинг биринчи оқтавадаги ре нотасига тегишли уччала тор қўлланилган. 3:20 вақт кўрсаткичидаги барча торлар “+ 30” центга созланган, 6:40дан бошлаб “+100” центга кўтариляпти (яъни ре нотасининг торлари диез нотасига созланиш жараёни), ва 9:20дан бошлаб торларнинг ми нотасига созланиш жараёни кўрсатилган. Торлар астасекин юқорига кўтарилиб, ҳар 200 сонияда унисон баландликка ўтишни бошлайдилар. Айнан шу ҳақида муаллиф фортепиано партиясининг тагида изоҳ берган:

change ca. every 20" (10"/30"/50" etc.) (tuning width changes per 200")

Ушбу партия қаторининг биринчи ва иккинчи чизиқлари ҳам чанг партия қаторининг биринчи ва иккинчи чизиқларидан фарқли томонлари мавжуд:



Партияниңг биринчи ва иккинчи чизиқлари ўртасида пастга ва юқорига йўналтирилган стрелкалар мавжуд. Бу стрелкалар биринчи чизиқдаги темплар билан боғлиқдир. Батафсил тушуниш учун биринчи тактни таҳлил қиласиз. Партитурада метроном ММ 90 темпидан ММ 87 гача секинлаш-моқда. Аммо ижрочининг қулоғига юборилаётган клик товуши ММ 90дан, ҳатто ММ 87дан ҳам секинлашади ва тахминан ўтизинчи сонияларда “клик” товуши тезлашиб - ММ 87га етади. Демак, горизанталсимон йўналтирилган пунктир чизиқчалар темпнинг секинлашаётганини ифодаласа, стрелкачалар эса “клик” товуши партияда кўрсатилган темп атрофида тезланиб секинлашаётганини ифодалайди.

Демак, фортепиано ижрочиси чолғунинг биринчи оқтавадаги ре нотасига тегишли уччала торда, плектр ёрдами билан ижро этади. Асар давомида ре нотасининг уччала торлари ҳам аввал ре нотасига (“100” центга),

сўнг ми нотасига (“200” центга) унисон созланади. Асарнинг бошида фортепиано электрогитара билан синхрон бир хил темпда, яъни ММ 90 да ижро этишни бошлайди. Асарнинг якунига қадар темп ММ 60гача секинлашади. Асар якунланаётганда фортепиано чолғуси чанг чолғуси билан синхрон ММ 60 темпига ўтар экан, уларнинг атаккаси унисон бўлиб жаранглайди.

Назорат саволлари:

1. Овозлар классификацияси ҳақида гапириб беринг.
2. Жаҳон операси юлдузларини санаб беринг.
3. Қўйидагилар XX асрда қайси жанрнинг ёрқин вакиллари ҳисобланадилар: З.Лодий, А.Доливо, Н.Дорлиак, З.Долуханова?
4. Л.Паваротти, Ш.Миллс, Т.Хемпсон, П.Бурчуладзе кабилардан қайси бири замонамизнинг энг атоқли тенори ҳисобланади?
5. “Шашмақом” ашуга бўлими таркиби айтинг.
6. “Савти Сарвиноз” қайси мақомдан ва ғазал муалифи ким?
7. “Соқиномаи Баёт” қайси шоирларнинг ғазаллари билан ижро этилади?
8. “Мақом” ибораси биринчи бўлиб ким тамонидан қўлланилган?
9. Ўзбекистон эстрада қўшиқчилигидаги стилистик йўналишлар
10. “Этно-жаз” услуби нимага таянади?
11. Соул йўналишининг замонавий намоёндалари?
12. Поп мусиқаси қироли?
13. «Импровизация» тушунчаси нимани англатади?
14. Н.Абдуллаева, Ф.Зокиров, К.Раззоковаларнинг ижодидаги ижро услуби?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ю.Ражабий. «Ўзбек халқ мусиқаси I, II, III, IV, V». – Т., 1958.
2. Турли муаллифлар. Нота адабиётлари. 1956-2008.
3. Раззоқова М.Қ. Академик хонандалик асосларига кириш. – Тошкент: 2014, Шарқ. – Б. 200.
4. Ерошина Г.Некоторые аспекты работы над вокальными произведениями. – Т., 2011.
5. Д.Амануллаева. «Эстрада хонандалиги». Магистрлар учун дарсллик (қўлёзма). – Т., 2014.
6. Д.Амануллаева. Вокализлар (қўлёзма). – Т., 2014.

3-мавзу: Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар. Мақом санъати. Мумтоз мусиқани ўргатиши услублари.

Режа:

- 3.1. Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар.
- 3.2. Мумтоз мусиқани ўргатиши услубининг замонавийлаштирилиши.
- 3.3. Машхур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди.
- 3.4. Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублар.

Таянч иборалар: чолғу ижрочилиги, профессионал ижрочилик, ҳаваскор ижрочилик, устоз-шоғирд, мумтоз мусиқа, репертуар, мушкилот

3.1. Миллий чолғу ижрочилиги санъатида замонавий тенденциялар.

17 поғоналик шарқ мусиқасини нотага тушириш учун ҳозирги қунгача 12 поғонани қамраб олувчи классик нота ёзувидан ва унга киритилган қўшимча белгилардан фойдаланилмоқда. Бироқ, бу ёзув тури ўқувчига, айниқса хориж ўқувчисига шарқ мусиқасини ва ундаги нақшларни аниқ тасвирлаб бера олмаслиги бизга маълум. Ўйлаймизки, янги *прогрессив нотация*¹ бундай вазиятнинг имкон қадар ечими бўла олса ажаб эмас.

Нима учун *прогрессив нотация*? Бу нотация бешта босқичдан иборат бўлиб, у ўз ичига нота ёзувларидан ташқари микрохроматика, видео ва аудио материалларни қолаверса, ижрочи томонидан бериладиган изоҳни ҳам қамраб олган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, прогрессив нотациянинг барча босқичлари бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Улар бир-бирини тўлдиради ва бири-бирисиз ёзувнинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди .

Фикрларни мақом туркумидан “муҳаммаси ушшоқ” куйи мисолида давом этамиз.

♩ = 60

The musical notation is written in 2/4 time with a treble clef. The dynamic marking 'mf' is placed below the staff. The melody consists of eighth-note patterns, starting with a dotted half note followed by a sixteenth-note group. The notes are primarily eighth notes, with some sixteenth-note groups and quarter notes. The melody is simple and repetitive, typical of a folk song introduction.

Энди ушбу мусиқий лавҳани ана шундай ноталаштирилган кўринишда қандай ютуқ ва хатоларни ўз ичига қамраб олганлигини таҳлил қиласиз:

Товушқатор – teng темперациялашган. Калит олдида белгилар бўлмаса-да, лекин товушқаторда гоҳо “g” товушидан лидий лади, гоҳо VI поғонаси кўтарилилган g – *moll* акс эттирилган. Бундай товушқатор миллий мусиқамизга

1. *Прогрессив нотация* Omnibus ансамблининг халқаро лойиҳаларидан бири “Мақомот” лойиҳасидан намунадир. Бу лойиҳанинг мақсадларидан бири - айнан миллий мусиқани ва ундаги нақшларни тўлиқ ва аниқ ёзишга йўналтирилган. Изланишлар натижасида лойиҳа иштирокчилари шарқ миллий мусиқасини янгича ёзиш турини яратдилар ва мақом туркумидан бир неча куйларни эксперемент сифатида *прогрессив нотация* ёзувига ўтказдилар. Ушбу нота ёзувларни бошқа миллат вакилларига ижро эттириб, уларни видео тасмага туширдилар.

қанчалик бегона эканлиги барчамизга маълум.

Нақш – форшлаг ёрдамида ифодаланган. Форшлаг, европа мусиқа маданиятига тегишли бўлиб, шарқ мусиқасида бундай ижро деярли қўлланилмайди.

Куйнинг контури – тахминан кўрсатилган десак бўлади. Нима учун тахминан? Сабаби, бу нота ёзуви teng темперациялашган созни кўрсатяпти. Бундан шу келиб чиқадики, баъзи ҳолларда товушлар темперация баландлигига нисбатан баландроқда ёки пастроқда жойлаштирилган. Натижада куйнинг оҳангига ўзгариб кетган.

Шакл – албатта юқоридаги бундай мавхумликлардан сўнг шакл ҳақида бирор нарса дейиш қийин.

Кўриб турибмизки, ушбу ёзув шарқ мусиқасининг асосларидан бири бўлмиш - товушқаторларни ва нақшларни ўз ичига қамраб ололмаган. Бу классик нотациясига миллий мусиқамизни европа мусиқасини акс этгандай ёндашсақ, у бизга миллий мусиқанинг аниқ ва тўлиқ ёзилиши учун хизмат қила олмайди. У фақатгина шарқ мусиқасининг куй контурини нисбатан кўрсата олиш қучига эга холос. Миллий мусиқалардаги нақшларни аниқ ва тўлиқ ёзиш имконияти йўқлиги сабаб, бугунги кунгача бизнинг миллий мусиқасимиз ҳам оғзаки анъана асосида авлод-авлодга ўтиб келиши давом этмоқда. Натижада биз келажак авлод учун бугунги кун моҳир созандаларининг ижодидаги сиру асрорларини етарликча етказа бера олмаймиз. Қолаверса, миллий мусиқамизни дунёга танитиб, уни тарғиб қилишимизга ҳам ишонч йўқ. Бундай мавхумликлар миллий ижрочилар билан композиторлар ўртасида боғлиқлик йўқлиги, уларнинг бир-биридан узоқлашиб кетиши, ижодий фикр алмашувнинг йўқлиги ва шу каби бошқа муаммоларни юзага келтиради. Албатта, тавсия этилаётган *прогрессив нотация*¹ якунланган, энг тўғри ва юқорида зикр этилган мавхумликларнинг ечими демоқчи эмасмиз, аммо баъзи ноаниқликларга нисбатан бўлса ҳам ойдинлик кирита олишини таъкидлаш мумкин.

Юқоридаги мусиқий лавҳани энди *прогрессив нотация¹* ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилиб кўрайлик:

The musical notation consists of two staves. The top staff shows two melodic lines: G¹ and d¹. The first line G¹ starts with a grace note followed by a quarter note. The second line d¹ starts with a grace note followed by a eighth note. Both lines have dynamic markings like *mf*, *mp*, and *mfp*. The bottom staff shows a bass line with dynamic markings like *mf*, *mp*, and *mfp*. There are also performance instructions such as '*+60+25*' and '*+50+25*'.

Энг аввало мусиқий лавҳадаги иштирок этадиган товушқаторнинг созланишига диққатимизни қаратайлик:¹

A single melodic line on a staff. It features various note heads: open circles, solid dots, and solid circles. Above the notes are dynamic markings: 'o +25 +50 -25', and 'o +25 +50 -25'. The line ends with a note head containing '(4)'.

Навбат юқоридаги мусиқий лавҳани прогрессив натоция ёрдамида ноталаштирилган вариантини таҳлил қилишга келди.

Биринчи босқич – куйнинг контури.

A melodic line on a staff. Above the notes are contour markings: G¹, d¹, G, and d. The line consists of various note heads: open circles, solid dots, and solid circles.

Ушбу босқич, куйнинг асосий контурини алоҳида ўрганиш учун мўлжаллангандир. Кўриб турибмизки, партитурамизда бир нечта элементлар акс эттирилган. Куйнинг ритми иккита томонга қаратилган штиллар ёрдамида ифодаланган. Пастга қараган штиллар куйнинг асосий контурини кўрсатяпти. Шунинг учун бу штилларга боғланган ноталар нисбатан

1. Ушбу мақолада моҳир созанда Аброр Зуфаровнинг ижроси ва ижрода қўлланилган товушқатор варианти мен томондан прогрессив нотацияга туширилган. Мақолада айнан шу ижро варианти таҳлил қилинмоқда. Куйнинг асосий поғонаси “G” бўлгани учун товушқаторнинг тепасида у катта ҳарф билан белгиланган.

йирикроқ ёзилган. Албатта, ижроши куй контурини ижро этаркан, товушларни юқорида кўрсатилган товушқатор намунасидан қўллаши лозим.

Иккинчи босқич – куйнинг нақшлари. Ушбу босқич куйда қўлланилган нақшлар турини алоҳида кўрсатиш учун мўлжалланган. Нақшлар куй контуридан яққол ажралиб туриши учун уларнинг штиллари юқорига

қаратилиб, ундағи товуш баландликлари нисбатан майдароқ ёзилған. Бу босқичнинг айрим принципларини батафсил тушунтириб ўтишимиз лозим. Эътиборингизни биринчи тактнинг иккинчи ҳиссасига қаратинг.




Куй контуридаги “g” ва “a” ноталари саккизталиқ чўзимларидан иборат, яъни улар “икки” ва “ҳам”га ҷалиниши демақдир. Аммо куйнинг контуридаги “a” нотасига нақшнинг “a” нотаси сирпанар экан, бундай ҳолатда “икки”га “g” ҷалинса, “ҳам” юқори штиллик “a” дан бошланади. Натижада куйнинг контурига тегишли “a” нотаси учликнинг (триолнинг) охирги нотаси ўрнида ижро этилади. Куйдаги барча нақшлар шу тарзда ижро этилади, яъни куй контурига сирпаниб келаётган нақш нотаси ана шу контур нотаси ўрнида ҷалинади-ю, қолган чўзимлар нақш нотасидан ҳисобланади. 19-чи тактдаги нақшнинг “c” ноталари флажолет белгиси остида ёзилған. Прогрессив нотацияда эса бу белги танбурчининг чап қўл бармоғи, пардани ўнг қўл ҳаракатисиз ижро этилишини билдиради.




Биринчи ва иккинчи босқични бирлаштиrsак қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

Учинчи босқич – микрохроматика. Миллий мусиқамизнинг товушлари тенг темперациялашган создан ўзгачадир. Ушбу босқич товушлар мусиқий нақш давомида товуш баландликларини, яъни танбурчининг чап қўли қандай ҳаракатланаётганлигини кузатиш ва микроскоп ёрдами сингари кўриш имкониятига мўлжалланган. Бунинг учун аввало микрохроматиканинг ўз ичига қамраб олган принципларини ўрганиб чиқишимиз зарур. Бизга маълумки, тенг темперация созининг товушқаторидаги ҳар бир товуш оралиғи 100 центдан иборатдир. Масалан: “a” нотасининг тепасига қўшимча қатор ва

белгилар жойлашуви ёрдамида қуидаги центлардан кераклигини белгилашимиз мумкин:



Кўриб турганимиздай, бу принцип ёрдамида “а” нотасининг 10 хил кўринишни кузатиш имкониятига эгамиз. Бу белгиларни ёдимизда сақлашимиш зарур, чунки микрохроматика ёзуви устига ҳамиша яхлит ўнликлар ёзилавермайди. Масалан: 10 центлик белгини ёзиб, унинг устига 15 рақамини ёзсак нотанинг 15 цент баландлигини; ёки 20 центлик белгини ёзиб унинг устига 25 рақамини ёзсак, у нотанинг 25 цент баландлигини билдиради (в.х.):



Кўриб турганимиздай микрохроматика ёзуви ёрдамида биз ҳар бир товушнинг йигирма хил вариантини қофозга туширишимиз ва уни кузатишимиш мумкин.


Энди бу босқичда икки хилдаги тўртбурчаклар кўлланишига эътибор беринг. Бирининг ичи бўялмаган бўлса, бирининг ичи бўялган, яъни бўялмагани қуйнинг асосий товушқаторидан ўрин олган бўлса, бўялгани нақшлар давомида учрайдиган товуш баландликлардир. Бундай ёндашув товушқатор ва нақшларда учрайдиган товуш баландликларни ажратишга ёрдам беради:




Кўриб турганингиздай, “а” +25 цент – бу қуйнинг юқорида қўрсатилган товушқаторидандир ва шунинг учун у бўялмаган. “а” +60 цент эса товушқаторда йўқ. Шунинг учун унинг ичи бўялган.

Нақшлардаги товушлар чўзимини белгилаш аниқланди. Энди навбат товушларнинг ҳаракатига келди. Агар эътибор берсак, нақшлардаги товушларнинг бир-бирига уланиш жараёни вертикаль ёки диагональ ёрдами билан амалга оширилади. Ҳозир ана шу икки хил варианти микрохроматика ёзувида тутган ўрни ва уларнинг функцияларини кўриб чиқамиз. Масалан, 1 такт, нақшнинг “а” нотаси глиссандо ёрдамида куй контурининг “а” нотасига

сирпаниб келган. Бу ҳолатда микрохроматикада ҳам у диагональ ёрдамида ифодаланиши лозим, яъни:



30-чи такт, куй контурининг “e” нотаси нақшнинг “f” нотасига диагонал эмас, балки вертикал ўтиш йўли қўлланилган. Бу ҳолатда эса микрохроматика ёзувида иккита товуш текис вертикал чизиги ёрдамида уланади, яъни:



Микрохроматика босқичини ўзлаштиргандан сўнг, навбат юқоридаги биринчи ва иккинчи босқич асосида ёзилган нота намунализни микрохроматика ёзуви билан тўлдиришга келди:

Кўриниб турибдики, нота ёзувимиз мукаммалашган бўлса-да, у ўз ичига анча майин деталларни, яъни товушқатор, куйнинг контури, нақшлар, нақшлар ичидаги товушлар ҳаракати, уларнинг чўзимларини, нақшлардаги товуш баладликларининг ўзгаришини ҳамда уларни аниқ кўрсатувчи микрохроматикани ҳам қамраб олган. Дирижёрлик таёқчаси ишлатмасдан 20 асрнинг биринчи чорагидан оркестрни бошқарган дирижёр В.Медюланов ҳисобланади. Албатта, куйнинг бундай жамланган кўриниши мусиқачиларни аникроқ таҳлил хулосаларига олиб келса ажаб эмас.

Тўртинчи босқич – ижро. Бу босқич видео лавҳадан иборат бўлиб, у ҳар бир қўлнинг нақшлар давомида қандай ҳаракатланаётганлигини чуқурроқ ўрганиш учун мўлжалланган. Ушбу босқичда куйдаги қўлланилган нақшларнинг ҳар бирини мукаммал равишда алоҳида видеога ёзиб олинади. Масалан, ижрочимиз танбурчи бўлса, демак видеода ижрочининг алоҳида ўнг қўл ҳаракати ва алоҳида чап қўл ҳаракати кўрсатилади. Бу жараённи кўрган ҳар бир мусиқачи нақшлар чалинаётган вақтда ўнг ва чап қўл ҳаракатларини икки хил варианта кузатиш ва ўрганиш имкониятига эга. Биринчи вариантда

нақшлар қуйнинг ўз темпида ижро этилиб, унда ҳар бир қўлнинг ҳаракатлари алоҳида кўрсатилади. Иккинчи вариантда эса, нақшлар жуда секин темпда ижро этилиб, унда ҳам ҳар бир қўлнинг ҳаракатлари алоҳида кўрсатилади. Бундай видео лавҳа юқорида нотага тушурилган мусиқий лавҳамиздаги нақшларни қандай амалга оширилаётганлигини тасвирлаб беради.

Бешинчи босқич – изоҳ. Ушбу босқич видео ва аудио лавҳадан иборат бўлиб, унда ижрочи ўзи ижро этган ҳар бир нақшга изоҳ бериши учун мўлжалланган. Бунда нақшларнинг ижроси ҳақида назарий ва амалий, яъни нақшлар давомида товушларнинг баландлиги ва улар бармоқларнинг қандай ҳаракатлари ёрдами билан ўзгариши кераклиги ҳақида батафсил маълумот берилади.

Ноталаштирилган намунамиз мукаммалроқ кўринишга эга бўлса-да, у мусиқий лавҳамизни классик нота ёзувидаги ноталаштирилган нусхасидан катта фарқга эга эканлигини кўрсатяпти. Классик нота ёзувига қараганда *прогрессив нотация* қўйидагиларни ўз ичига аниқроқ тарзда қамраб олган:

- товушқатор
- қуйнинг контури
- нақшлар
- нақшларнинг ҳаракати ва ундаги чўзимлар
- ижрочининг ижро услуби
- ижрочи томонидан бериладиган изоҳ

Албатта, - “кўйни аниқ ноталаштиришнинг нима зарурияти бор? Ахир ҳар бир ижрочи битта кўйни ҳар сафар турли хил ижро этадику?” - деган саволларнинг туғилиши ўринлидир. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар бир ижрочи ўзининг ижро манерасига эга ва айнан аниқ ноталаштириш ёрдамида ўқувчи ижрочининг ижро манерасини таҳлил қилиб, ўрганиши учун қулайдир. Бундай детал ноталаштирилган вариант ижрочилар, мусиқашунослар ва композиторлар учун жуда муҳимдир.

Ижрочилар устозларнинг ижроларини тинглаб, улардан қайси бири қалбларига яқин бўлса, ўша устоз ижросини аниқ ноталаштирилган варианти ёрдамида ижро манерасини таҳлил қилиб ўрганиши мумкин.

Мусиқашунослар юқоридаги детал равишда ноталаштирилган намуналар ёрдамида миллатимизга мансуб буюк ижрочиларнинг ижро хусусиятларини аниқлаб беришлари мумкин. Қолаверса, *прогрессив нотация* ёрдами билан ҳинд, турк, озарбайжон, эрон миллий мусиқаларини ноталаштирилишни жаҳонда тан олинган россиялик симфоник оркестр дирижёри В.Спиваков ҳисобланади.

Композиторлар учун доим миллийлик мавзуси долзарб муаммо бўлиб келган. Ҳар бир шарқ композитори оз ёки кўп микдорда миллий нақшларни ўз асарларида қўллар экан, бу нақшларни у рамзий белгилар билан белгилайди. Масалан: шарқ композитори ўз асарида миллий элементларни қўлласа, у албатта машқ жараёнида тўлиқ қатнашиб, ижрочиларга белгилар остидаги нақшларни қуйлаб тушунтириши ва ўз назоратига олиши зарур. Агар партитура хориж ижрочилар томонидан ижро этилиш учун хорижга юборилса-чи...? Ёки мархум композиторнинг асарини ижро этиш режалаштирилса-чи...? Бундай ҳолатларда композитор асарининг бадиий томони оқсоқланиб қолиш хавфи ортиши аниқ.

Фикримизча, *прогрессив нотация* миллий мусиқамизни ва ҳар бир ижрочининг ижро манерасини қофозга ҳақиқатга яқинроқ тушира олиш имкониятини бериши барчамиз учун муҳимдир. Ҳозирда ва келажак авлод учун бугунги моҳир ижрочиларнинг ижро манераларини фақатгина оғзаки йўл билан эмас, балки аниқ ноталаштириш йўллари ва видео лавҳалар билан етказиш лозим. Натижада *прогрессив нотация* анча майин деталларни мукаммал кўрсата олиш қулайликларини яратади. Мусиқачилар миллий мусиқамиз товушқаторини, куйнинг *контурини*, нақшларини, нақшлар ичидаги товушлар чўзимларини, ундаги товушнинг ҳаракат турларини ҳамда нақшлардаги товуш баландликларини алоҳида ўрганиб таҳлил қилишилиги, бизга куйни чуқурроқ ўрганишимизга шароит яратиб беради. Ушбу нотация ёрдамида миллий мусиқанинг ижрочилик мактабини дунёга тарғиб эта олсак ажаб эмас. Қолаверса, ўзбек композиторлари ўз ижодларида миллий оҳангларни партитураларда имкон қадар аниқроқ ифода эта олишлари учун қулай имкондир. Бу эса ўзбек композиторларининг ижодини янада бойитиши, мукаммал ўзбек композиторлик мактаби яралишига ва уни дунёга танитиши учун туртки бўлиши ҳеч гап эмас.

3.2. Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилиши.

Мумтоз мусиқани ўргатиш услубининг замонавийлаштирилишида асосан устоз, яъни профессор-ўқитувчи ва журнавозларнинг аҳамияти жуда катта. Бу жараён шундай кечади: дастлаб устоз ижро этади, энг яхши ижрочиларни таъкидлаб, овозли ёзувларидан эшиттиради. Кейин нота мисолида куйни биргаликда таҳлил этади, талаба-шогирдга уйга вазифа этиб куйни ёд олиш топширилади. Навбатдаги дарсда талаба ўзи устоз ёрдамисиз ижро этади, тушунмаган жойларида тўхтаб, айрим жиҳатларини сўрайди. Устоз талабанинг ижросидаги камчиликларини тўғрилайди ва куйни мукаммал ижросини таъминлаш учун уйга вазифа этиб, куйни кўп бора чалиб

мукаммаллаштириш топширилади. Бу жараён куйни катта ёки кичиклиги, мураккаб ва соддалигига ҳам боғлиқ. Бир ёки икки дарсда маълум бир куйни ўрганиши қийин. Устозимиз Ўзбекистон халқ артисти, буюк ҳизматлари ордени нишондори Турғун Алиматов айтганларидек: “Бир куйни ўрганиш учун кўп вақт кетмайди, аммо уни чалиш учун, тайёр ижод маҳсулига келтириш учун йиллар керак бўлади”.

Таълим тизимида чолғу ижрочилигини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалар борасида шундай бир ибора бор: “Таълим берган устозингдан айрилма”. Бу дегани анъанавий ижрочилик борасида, уни ривожлантириш, ўрганишда ўзимизни маҳаллий услубларга тенг келадигани бутун дунёда топилмаса керак. Миллий санъатимизни барча жабҳаларини қайта тиклаш, ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилигандир. Ўзимизни маҳаллий услуб, яъни миллий ижрочилик мактаблари устоз-шогирд анъанасига таянган бўлиб, миллий мусиқамиизда шундай бир унсурлар борки, буни фақат устознинг ижроларидан, доно фикрларидан шогирд баҳраманд бўлмаса, миллий ижрочилик мактабларига хос ижро йўқолиб кетади. Бизни миллатимизга хос анъана ҳам айнан шунда.

Мусиқий асарларни ўзлаштиришда ижрочиликнинг анъанавий ва замонавий услублари шундай: анъанавий услубда шогирд устозни ёнида юриб, ижроларидан баҳраманд бўлиб, устознинг илхоми келган пайтда куйларни ижросини биргалиқда машқ натижасида ўрганилади. Бу услубнинг унумдорлиги ҳам шунда.

Замонавий устоз-шогирд услуби эса устоз ишга келади, унинг кайфияти, ишга лаёқатига ҳеч ким эътибор бермайди. Ўқувчи-шогирд дарсга келиши билан бир соат давомида дарс ўтишга мажбур, чунки бу ўқувчини бу дарсдан кейин бошқа дарси бўлиши мумкин, устоз шогирдини узоқ ушлаб ўтира олмайди. Аммо устоз кайфияти чоғ бўлса, илхоми жўш уриб турган бўлса шогирдининг баҳти. У шогирд устозни мукаммал ижроидан, ноёб маслаҳатларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Репертуар танлаш ва чолғу ижрочиларини тайёрлашда индивидуал ёндашув масалалари борасида ҳар бир созанда талаба яккама-якка устоз билан машқ қилиши лозим. Ҳар бир талабанинг қизиқиши, қобилиятини устоз созанда дарров пайқаб, ички ҳиссиётидан келиб чиқиб ижро дастурини танлаши керак. Талабанинг характеристига мос, қобилиятига хос куй танланса талаба ижро мукаммал бўлишига эришилади. Агар талабанинг қобилияти зўр бўлиб, берилиган куй унинг характеристига мос келмаса ёки куй руҳиятига мос келиб, бу куйни чалиш учун қобилияти ўртачароқ бўлса ҳам ижро мукаммал бўлмайди.

Машхур дирижёр ва мусиқачиларнинг ижоди билан талабаларни танишириб бориш ҳам устоз созанда зиммасидаги вазифалардан биридир. Ҳар бир куйни ижро этишдан олдин ушбу куйни машхур ижрочилари, ижрочиларнинг қайси мактаб вакиллари эканлиги ҳақида гапириш устоз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir. Бу ижроларни магнит ёзувларини эшитириб, дарс ўтилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Чолғу ижрочилигига мусиқа яратган композиторлардан МуталЎзбекистон мадхиясига мусиқани ёзган?янги услубларнинг таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари ҳозирги кунда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифа яна устозлар зиммасига юклатилади. Ҳар бир берилган куйни ижрочи устоз кайфияти чоғ пайтида уз услубида ижро этиб, магнит тасмаларига ёзмоғи керак. Ушбу берилган куйни бошқа ижрочилар, бошқа ижрочилик мактаби вакилларини ҳам магнит ёзувларини топиб талаба созандага навбатма-навбат эшитириб, устоз ижрочилик мактабларини фарқини, ютуқ ва камчиликларини айтиб талабага тушунтируса устоз-шогирд тизимининг замонавий кўриниши бўлади.

3.3. Машхур созандаларнинг ҳаёти ва ижоди.

“Буржлар белгиси”

XX аср немис композиторлик мактабининг ёрқин намояндадаридан бири бу - Карлхайнц Штокхаузендиr. Тожи-Маҳал меморий мажмуасининг илк вазифаси театр бўлган. У акустика ҳамда электрон мусиқа йўналишларида жуда кўплаб қизиқарли асарлар яратди. Штокхаузен асарларининг партитуралари, асар ғоясини максимал даражада етказиши учун хизмат килади ва классик нота графикасидан тубдан фарқ қиласи.

Фоя ва чолғулаштириш принциплари замонавий бўлса-да, унинг баъзи асарларидан лавҳаларни айнан классик нота графикаси ёрдамида ифодалаш кулайдир. Шундай асарлардан бири “Буржлар белгиси” деб номланган.

Ушбу асар ижрочилардан композиторлик ҳиссиётини талаб қиласи. Буни матн давомида тушуниб оламиз. Асарда муаллиф ҳар бир бурж белгилари учун алоҳида пьесалар яратар экан, у шу билан бирга ушбу асарга доир, ижрочилар учун бир неча қоидаларни яратади. Бу қоидалар қуидагилардир:

- асар цикл шаклида ёзилган бўлиб, уни ҳар доим ҳам барча песаларини бирга ижро этиш шарт эмас;
- ҳар бир песани истаган чолғулар комбинациясига чолғулаштириб ижро этиш мумкин;
- ҳар бир песанинг ҳажми кичик бўлганлиги учун, уни бир неча бор қайта такрорлаш мумкин;
- ҳар бир ижрочи ўз партиясини ёддан ижро этиши шарт;
- ҳар бир песа худди театрлаштирилгандек ижро этилиши керак.

Бир неча песалар партитурасини юқоридаги қоидалар билан бирлаштирилген ҳолда таҳлил қылсақ, қизиқарлы чолғулаштириш принципларини үйлаб топишимиз мумкин бўлади.

“Балиқ” белгиси остидаги пеша муаллиф томонидан қўйидагича ифодаланган:

Fische - Pisces

The musical score consists of five staves of music. Staff 1 (Treble clef) starts with a treble clef, a key signature of one sharp, a tempo of 134, and a dynamic of 8va. Staff 2 (Bass clef) follows, also with a key signature of one sharp. Staff 3 (Treble clef) continues, and Staff 4 (Bass clef) follows, both with a key signature of one sharp. Staff 5 (Treble clef) concludes the section. Measure numbers 1, 5, 9, 13, and 15 are marked above the staves. The music features various note heads, stems, and bar lines, with some notes connected by horizontal lines and others by vertical stems. Measure 13 includes a bassoon-like sound effect indicated by a bassoon icon and a dynamic of 8va. Measure 15 includes a bassoon-like sound effect indicated by a bassoon icon and a dynamic of 8va.

“Балиқ буржи” остидаги пъесани юқоридаги қоидаларни инобатга олиб чолғулаштириб кўрсак, бир неча мусиқий ғояларни ифодалашимиз мумкин. Масалан, бу песани най ва кларнет чолғулари учун мослаштиrsак тахминан куйидаги кўринишга эга бўлади:⁵

♩=134

Эътибор берсак, песада ҳеч қандай штрих ва динамикалар ҳақида маълумотлар, яъни белгилар йўқ. Албатта, бу ҳам муаллифнинг гоясидир. Чунки ҳар бир ижрочи штрих ва динамикани ўзи қўйиб борар экан, асар ҳар ижрода янгиланиб туради. Ҳар бир ижро олдидан мусиқачилар чолғуларни танлашар экан, улар шу билан бирга динамика ва штрихларни ҳам ўзлари истагандай белгилашлари лозим. Муҳими штрихлар ва динамикалар энди ижрочиларнинг ғоясини максимал даражада ифода этиш учун хизмат қилиши керак. Қисқаси, кўчма маънода ижрочилар бамисоли композиторнинг маънода

⁵ Партитура до калитида (in C) тузилган.

ижрочилар бамисоли композиторнинг бир бўлаги ҳисобланадилар. Пъесани трио учун чолғулаштиурсак, у тахминан қўйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин:

♩=134

Marimba

Violin

Contrabass

Marimba

Vln.

Cb.

Marimba

Vln.

Cb.

Marimba

Vln.

Cb.

14

Квартет, яъни маримба, скрипка, альт ва контрабас учун:

J=134

This musical score consists of four staves. The top staff is for Marimba, which plays sustained notes with grace marks. The second staff is for Violin, showing sixteenth-note patterns with slurs. The third staff is for Viola, also with sixteenth-note patterns and slurs. The bottom staff is for Contrabass, which remains silent throughout this section.

5

This section begins with Marimba playing sustained notes. The Violin and Viola play sixteenth-note patterns with slurs, coordinated by measure numbers 3, 3, and 3 above the staff. The Contrabass provides harmonic support with sustained notes.

10

Marimba continues its sustained notes. The Violin and Viola play sixteenth-note patterns with slurs, coordinated by measure numbers 3, 3, and 3 above the staff. The Contrabass provides harmonic support with sustained notes.

2

14

Marimba continues its sustained notes. The Violin and Viola play sixteenth-note patterns with slurs, coordinated by measure numbers 3, 3, and 3 above the staff. The Contrabass provides harmonic support with sustained notes.

Секстет, яъни гобой, маримба, скрипка, альт, виолончель ва контрабас учун:

$\text{♩} = 134$

This musical score consists of six staves. The top staff is for the Oboe, which plays a continuous line of eighth-note pairs. The second staff is for the Marimba, showing sustained notes with fermatas. The third staff is for the Violin, the fourth for the Viola, the fifth for the Violoncello, and the bottom staff for the Contrabass. Measures are divided by vertical bar lines, and a large brace groups the entire section.

5

This musical score consists of six staves. The top staff is for the Oboe, featuring a melodic line with grace notes and slurs. The second staff is for the Marimba, with sustained notes. The third staff is for the Violin, the fourth for the Viola, the fifth for the Cello (Vc.), and the bottom staff for the Bass (Cb.). Measure numbers '5' and '3' are indicated above the staves. A large brace groups the entire section.

2

10

Ob.

Mar.

Vln.

Vcl.

Cb.

14

Ob.

Mar.

Vln.

Vcl.

Cb.

Ана шу тарзда чаён буржи остидаги белги учун басталанган пьесани чолғулаштирамиз:

Skorpion - Scorpio

Sheet music for piano, four staves. The music is in common time and includes the following sections:

- Staff 1 (Treble and Bass): Measures 1-5. Dynamics: 8va, Ped. Measure 5: 3.
- Staff 2 (Treble and Bass): Measures 6-10. Dynamics: 8va, Ped. Measure 5: 5.
- Staff 3 (Treble and Bass): Measures 10-14. Dynamics: 8va, Ped. Measure 5: 5.
- Staff 4 (Treble and Bass): Measures 14-17. Dynamics: 8va, Ped. Measure 5: 1.

$\text{♩} = 95$

Musical score for Marimba, Violino, Violoncello, Mar., Vln., and Vc. The score consists of four systems of music, each with two staves. Measure 1: Marimba plays eighth notes. Violino and Violoncello play sixteenth-note patterns. Measure 2: Marimba rests. Violino and Violoncello continue their sixteenth-note patterns. Measure 3: Marimba plays eighth notes. Violino and Violoncello continue their sixteenth-note patterns. Measure 4: Marimba rests. Violino and Violoncello continue their sixteenth-note patterns. Measure 5: Marimba plays eighth notes. Violino and Violoncello continue their sixteenth-note patterns. Measure 6: Mar. plays eighth notes. Vln. and Vc. play sixteenth-note patterns. Measure 7: Mar. rests. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns. Measure 8: Mar. plays eighth notes. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns. Measure 9: Mar. rests. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns. Measure 10: Mar. plays eighth notes. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns. Measure 11: Mar. rests. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns. Measure 12: Mar. plays eighth notes. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns. Measure 13: Mar. rests. Vln. and Vc. continue their sixteenth-note patterns.

J=95

Clarinet in B

Marimba

Violoncello

6

Cl.

Mar.

Vc.

11

Cl.

Mar.

Vc.

♩=95

The musical score page contains nine staves, each with a different instrument:

- Nay:** The first staff uses a treble clef. It starts with a long note followed by several eighth notes.
- Chang:** The second staff uses a treble clef. It includes dynamic markings "col legno" and "gliss." above the notes.
- Oboe:** The third staff uses a treble clef.
- Clarinet in B:** The fourth staff uses a treble clef.
- Legno:** The fifth staff uses a double bar line and a treble clef.
- Violin:** The sixth staff uses a treble clef. It includes a "pizz." marking above the notes.
- Viola:** The seventh staff uses a bass clef. It includes a "pizz." marking above the notes.
- Violoncello:** The eighth staff uses a bass clef. It includes a "pizz." marking above the notes.
- Contrabass:** The ninth staff uses a bass clef. It includes a "pizz." marking above the notes.

Each staff consists of six measures. The instruments play eighth-note patterns, except for the Legno which plays sixteenth-note patterns. The Violin, Viola, Violoncello, and Contrabass also include slurs over groups of notes.

2

Musical score page 2 featuring nine staves of music. The instruments are:

- Nay (Treble clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.
- Ghang (Treble clef): Starts with a grace note followed by eighth notes, ending with a glissando.
- Ob. (Treble clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.
- Cl. (Treble clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.
- Perc. (Bass clef): Shows rhythmic patterns of eighth and sixteenth notes.
- Vln. (Treble clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.
- Vla. (Bass clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.
- Vc. (Bass clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.
- Cb. (Bass clef): Starts with a grace note followed by eighth notes.

The score consists of five measures. Measures 1-4 are identical for all instruments. Measure 5 begins with a change in instrumentation: Nay, Ghang, Ob., Cl., and Perc. play their respective parts, while Vln., Vla., Vc., and Cb. remain silent. The Ghang part ends with a glissando. Measures 6-7 show the continuation of the instrumentation from measure 5.

12

This musical score page contains nine staves, each representing a different instrument or section. The instruments listed from top to bottom are: Nay, Ghang, Ob., Cl., Perc., Vln., Vla., Vc., and Cb. The score is in common time (indicated by 'C' at the beginning of the first staff). Measure 12 begins with a rest for the Nay, followed by a dynamic 'f' (fortissimo) and a series of eighth-note patterns. The Ghang part features glissando markings ('gliss.' and 'gliss. 5'). The Ob. and Cl. parts have sustained notes with sharp symbols above them. The Percussion part consists of vertical bars. The Vln., Vla., Vc., and Cb. parts play eighth-note patterns with grace marks ('>') and slurs. Measure 13 starts with a rest for the Nay, followed by a dynamic 'f' and a series of eighth-note patterns. The Ghang part continues with glissando markings. The Ob. and Cl. parts have sustained notes with sharp symbols above them. The Percussion part consists of vertical bars. The Vln., Vla., Vc., and Cb. parts play eighth-note patterns with grace marks and slurs.

“White on white”

Албатта, замонавий мусиқа фақат композиторларга эмас, балки ижрочиларга ҳам асар структурасининг тузулиши борасида жуда катта маъсулият юклайди. Агар классик мусиқасида ижрочи басталанган асарни тўлиқ ижро этса, замонавий мусиқада эса ҳамма вақт бундай бўлавермайди. Замонавий композиторлар томонидан яратилган шундай партитуралар борки, бундай партитураларда муаллиф томонидан яратилган қоидалар асосида ижрочилар ўзларининг мусиқий ғояларини қўшишлари лозим бўлади, яъни асар драматургиясининг бойитилиши ижрочиларнинг маҳорати ва мусиқий ғояларига ҳам боғлиқдир. Ўзбек миллӣ мусиқасининг асосида гомофон-гармоник турдаги мусиқий тузилма ётади. Ана шундай партитуралардан бири - Роберт⁶ Эшлининг “White on white” (“Оқ устидаги оқ”) трио асаридир.

Ушбу асар 1963 йилда басталанган бўлиб, асар учта триодан иборат. Албатта, асарнинг номи барчанинг диққат-эътиборини ўзига тортади. Биз биринчи трио ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг партитураси фақат рақамлардан тузилган бўлиб, рақамлар оқ қоғозда оқ ранг билан битилганлигини маълум қиласиз. Айнан шунинг учун бўлса керакки, муаллиф ушбу асарни “White on white” (“Оқ устидаги оқ”) деб номлаган. Учта трионинг биринчи трио асарини кўриб чиқар эканмиз, партитуранинг ва чолғулаштиришнинг принциплари ноанъянавий бўлса-да, аммо жуда қизиқарли янгиликлардан иборат эканлигини гувоҳи бўласиз. Чунки юқорида қайд этганимиздай партитурада бирорта ҳам нота товуши ёзилмаган. Партитура фақатгина бир неча қатордан иборат рақамлар кетма-кетлигидан ташкил топган. Муаллиф ушбу асарга мос партитурани яратар экан, ижрочиларга мусиқа чолғу асбобларини эркин тарзда танлаш хуқуқини беради. Бу эркинлик билан бир қаторда муаллиф томонидан партитурани ўқиш ва уни чолғулаштириш учун бир неча қоидалар ҳам киритилган. Партитурани кўргандан сўнг бу қоидалар билан танишиб чиқамиз.

- Қуйидаги партитура барча ижрочилар учун мўлжаллангандир⁷:

2	4	7	2	0	8	9	0	2	5
0									
2	8	0	0	2	5	8	3	6	1

⁶ Америкалик машхур композитор, продюсер ва режиссёр Роберт Эшли (1930 – 2014) XX асрнинг экспериментал мусика йўналиши вакиллари орасида ўзининг ноанъянавий услубдаги ижоди билан мусиқа оламига улкан хисса кўшган композиторлардан биридир. Эшли телеопера жанрини яратганлардан бири деб хисобланиб, у академик замонавий мусиқа йўналишида электрон синтезаторни биринчилардан бўлиб кўллаган.

⁷ Ушбу партитурадаги рақамлар ўкув кўлланма учун оқ қоғозда кора ранглар билан ёзилган.

5	6	5	3	4	8	5	4	1	0
9	6	1	2	3	5	8	3	1	4
8	0	8	9	9	2	8	2	1	0
5	9	8	5	9	9	8	7	2	5
6	7	4	7	8	9	1	4	9	7
0	6	4	9	8	7	0	3	2	4
9	7	6	1	5	4	1	8	7	6
0	8	4	9	8	7	0	3	2	3
1	8	9	2	3	4	6	9	4	2
0	1	9	2	3	5	2	1	3	7
3	8	6	9	7	3	6	9	1	7
3	2	0	3	5	2	1	3	7	6
0	3	0	3	8	6	4	5	6	8
6	3	0	3	8	6	4	5	1	2
5	3	6	2	5	5	4	3	5	1
6	5	2	1	6	5	4	4	2	7
6	3	8	9	1	4	9	7	0	1
4	7	8	9	0	4	1	0	4	3
7	4	6	5	4	7	0	5	6	0
4	8	0	3	4	5	7	0	5	3
1	2	0	3	4	5	7	0	5	6
5	7	7	1	9	2	3	8	1	4
0	7	7	0	7	9	8	6	9	3
6	3	7	0	7	9	8	6	9	0

1	3	6	1	9	7	8	9	1	4
9	5	3	8	7	5	5	6	9	9
0									
2	9	8	8	2	1	8	4	4	3
2	0								
0	1	2	4	7	2	0	3	4	5
7									
8	7	4	7	3	3	6	7	8	5
1									
3	2	1	9	7	2	1	2	5	8
6	0								
5	3	6	7	8	0	3	8	5	9
4									
4	4	2	2	2	1	4	6	5	2
3									
4	7	2	1	5	3	6	0	7	6
3	1								

- Чолғулар турлари эркин равища танланади.⁸
- Асарнинг давомийлиги эркин тарзда бўлгани сабабли, у ижрочилар билан аввалдан келишиб олинади.
- Асарнинг темпи ижрочилар томонидан аввалдан келишиниб, ҳар бир рақам келишилган темпнинг ҳисса қиймати билан тенг. Биз мисолимизда ҳар бир рақам қийматини сонияга айлантирган ҳолда (2 – бу икки сония) ижро этамиз, яъни:




- Ҳар бир рақамнинг ижросидан сўнг тахминан бир сония пауза бўлиши мумкин:




- “0” рақамида ижрочи ўзи истаганча пауза ушлаб туриши мумкин.
- Ҳар бир тоқ рақамдан сўнг товуш баландлиги ўзгариши шарт (аммо товушнинг тембри эса ўзгариши шарт эмас):

⁸Биз ушбу партитурада най, гобой, чанг, маримба, иккита скрипкалар, альт, виолончель ва контрабас чолгуларини намоён этамиз.




- Ҳар бир жуфт рақамдан сўнг товушнинг тембри ўзгартириши шарт (аммо товуш баландлиги ўзгариши шарт эмас):



- Ҳар бир атакка жуда баланд динамикада бўлиб, унинг давомийлиги ҳам айнан шу динамикада давом этилиши шарт. Муаллиф атакка билан товушнинг давомийлиги ўртасида динамиканинг фарқи деярли

сезилмаслигини алоҳида таъкидлайди.




Албатта, биринчи навбатда чанг ва маримба борасида бизда савол туғилиши аниқ. Ахир қоидага мувофиқ товушнинг давомийлиги ҳам баланд овозда, яъни атаккадан паст бўлмаслиги лозим, деган эдик. Чанг ва маримба чолғуларида эса атаккадан сўнг деярли ҳеч қандай товуш қолмайди. Муаллиф эркинлик бергани сабабли, биз партитурада чанг ва маримба чолғуларининг товушларини треколо ёрдамида чўзиб турамиз. Тембрнинг ўзгаришларини эса, маримбанинг юмшоқ ёғочлардан қаттиқ ёғочларга ўтиши билан ифодалаймиз. Чанг чолғуси эса тембрни рамзий маънода ўзгартириши учун треколо ва аччелерандо штрихларини қўллаши мумкин.

- Ижрочилар учта гурухга бўлинib, биринчи гурух рақамлар кетма-кетлигини партитуранинг истаган жойидан горизонтал, иккинчиси диагонал ва учинчиси вертикал ўқиши шарт.

Рақамларни горизонтал йўналиши бўйича ўқишини най, чанг ва гобой чолғуларига топширишимиз мумкин. Иккинчи гурух ижрочилари рақамлар кетма-кетлигини партитуранинг истаган жойидан диагонал ўқиши шарт. Рақамларни диагонал йўналиши бўйича ўқишини иккита скрипка ва маримбага топширамиз. Учинчи гурух ижрочилари рақамлар кетма-кетлигини партитуранинг истаган жойидан вертикал ўқиши шарт. Рақамларни вертикал йўналиши бўйича ўқишини алт, виолончел ва контрабас чолғуларига топширамиз. Юқорида танланган гурухларни ва ҳар бир гурухдаги чолғуларни

горизонтал, диагонал ва вертикал йўналишида рақамлар кетма-кетлигини партитурада белгилаймиз:



Энди муаллиф томонидан берилган барча қоидаларни қўллаб, партитура ижро этилса партитурамиз тахминан мана шундай кўринишга эга бўлиши мумкин:

♩=60
 Nay frul. , ord. , 8"
ff sempre
 Oboc , frul. ,
ff sempre
 chang 7"
ff sempre
 Marimba 4", medium mallet , hard mallet m.mal.
ff sempre
 Violin I 6"
ff sempre
 Violin II sul p. , ord. sul p. , ord.
ff sempre
 Viola , sul p. , ord. ,
ff sempre
 Violoncello 8" , , , sul pont.
ff sempre
 Contrabass 16" 8"
ff sempre


Албатта, бундай партитурани ижро этиш вақтида ҳар бир ижрочи нимага интилиши керак ва ижрочилар орасида қандай қилиб уйғунликни яратиш имкониятлари мавжуд?, ёки ижрочи шунчаки товушларни қоидага биноан чалаверадими? каби саволлар туғилиши табиийдир. Ҳар бир ижрочи ушбу партитурани муаллиф томонидан яратилган қоидаларни инобатта олиб ижро этар экан, у:

- ижро вақтида ижрочи умумий гармонияни яратишга ўз ҳиссасини мантиқан қўшиши;
- тесситураги шунчаки танлаш эмас, балки атрофидаги бошқа ижрочилар ижро этаётган товушлардан келиб чиқиб, ўзи учун керакли товушни керакли тесситурада танлаши;
- имкон қадар ижро вақтида тезкор фикрлаб товушларни штрихлар ёрдамида безатиб туриши (в.х.) лозим.

Айнан шу ва шунга ўхшаш қоидаларни ҳис этиб ижро этилса, бу асарда ижрочилар томонидан жуда қизиқарли энергияни яратилиши ва асарни мос шакл ҳамда чолғулаштириш ғоялари билан безашлари мумкин. Бундай бамисоли оддий қоида аслида ҳар бир ижрочини кўчма маънода асарнинг муаллифи деб тайинлади.

Ушбу трионинг биринчи қисми ҳар доим ҳам оқ варакда оқ ранг билан битилган рақамлардан ташкил топган партитурадан ижро этилавермайди. Баъзан қорамтирилган варакда қора ранг билан битилган рақамлардан ташкил топган партитурадан ҳам фойдаланилади. “Юлдузли тунлар” пьесанинг муаллифи Абдулла Қаххор ҳисобланади. Энг муҳими рақамлар аниқ кўзга ташланиб турмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам варакнинг ранги қандай бўлса, рақамлар ҳам шу ранг билан битилади. Ижрочи ҳар бир рақамни осонликча ўқиб олмас экан, у ҳар бир рақамга катта маъсулият билан қарайди.

Қорамтирилган партитура тахминан мана бундай кўринишга эга:



Назорат саволлари

1. Анъанавий ижрочиликда устоз-шогирд тизимининг талабаларга фойдаси нимада?
2. Замонавий ва қадимий устоз-шогирд анъанасининг фарқи қандай?
3. Ижро дастури танлашда талабанинг қандай жиҳатларига эътибор бериш лозим?
4. Устоз дарсларга қандай кайфиятда келиши керак?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Р.Юнусов “Мақом асослари” Т.1990й.;
2. М.Матякубов “Анъанавий ижрочилик услубияти” Т. 2015 й.;

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Композиторлик санъатида жанрларнинг шаклланиши ва замонавий тенденцияларни вужудга келиши.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида мусиқий авангардизмни ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

